

**Боқий
фикр**

Мен барча ўғил-қизларимизни, спортчи ёшларимизни халқимизнинг умид юлдузлари, эртанги кунимизнинг ишончи ва таянчи, деб биламан.

**Ислом
КАРИМОВ**



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan 2010-yil 27-may, payshanba 1 (25) - maxsus son

БАРКАМОЛЛИК ТИМСОЛИ

«Баркамол авлод» йилида мамлакатимиз ёшларини камолотга ундовчи «Универсиада» спорт байрами бешинчи бор

қизгин мусобақалар орқали ҳар биримизнинг қалбимизга қуёш алангасини солмоқда.

2000 йил илк бор ўтказилган «Универсиада» спорт мусобақалари қатнашчиларига Юртбошимиз табрик йўллаб, шундай ишонч билдирган эдилар:

«Мен барча ўғил-қизларимизни, спортчи ёшларимизни халқимизнинг умид юлдузлари, эртанги кунимизнинг ишончи ва таянчи, деб биламан». Ўтган йилларда талаба-ёшларимизнинг нафақат илм-фан, балки спорт соҳасидаги нуфузли мусобақаларда

эришган ютуқлари ушбу эзгу орзуларнинг ижобат бўлаётганига иқрор бўлиши тайин.


Дарҳақиқат, Ўзбекистон ёшлари барча соҳаларда камолот сари интилиб, эришяётган муваффақиятлари ривожланган хорижий давлатлар ёшларининг ҳам ҳавасини келтираётгани ҳақиқат. Бу эса ўз-ўзидан ватанимизнинг жаҳондаги нуфузини ҳар жабҳада оширишга хизмат қилмоқда.

Албатта, мазкур оламшумул ютуқларнинг мустақкам асоси бор. Бугун юртимизда ўғил-қизларнинг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлиши қаторида жисмонан ва маънан соғлом ўсиши учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратилди. Бунда спорт соҳасидаги ислохотлар алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда жаҳон тажрибасида кузатилмаган уч босқичли узлуксиз тизим - «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақалари ҳақиқий маънода баркамоллик тимсолига айланиб улгурди.

(Давоми 2-бетда)

УНИВЕРСИАДА: ОРЗУЛАР РЎЎБИ



Рустам ҚОСИМЖОНОВ



Оқғула ОМОНМУРОДОВА



Абдуқасим ТАНГРИЕВ




Сайда ИСКАНДАРОВА



Ришод СОБИРОВ




Денис ИСТОМИН



Темур ШОКИРЖОНОВ



Севара ҚОДИРОВА



Давлат ЧОРИЕВ



Жасур ҲАСАНОВ

НАМАНГАН
«Универсиада-2000» республика босқичида 9та спорт тури бўйича 1717 нафар спортчи иштирок этди. Голибларга медаллар, совринлар тақдим этилди. Спорт турлари бўйича кашф этилган истеъдодларга Президент мукофотлари — 15та «Tiko» русумли енгил автомашина берилди. Кичик олимпиадага айланиб кетган бу мусобақа, халқаро экспертларнинг эътирофи эгганидек, ҳеч бир мамлакатда қайд этилмагани билан тарих саҳифаларидан жой олди.

БУХОРО
«Универсиада-2002» спорт мусобақаларининг мамлакат финал босқичида 12та спорт тури бўйича 2848 нафар талаба-спортчилар голиблик учун кураш олиб борди. Яхши натижаларга эришган спортчиларга бош мукофот сифатида 3та «Damas» автомобили тақдим этилди. Марказий Осиёда ягона саноладиган «Бухоро» марказий ўйингоҳини барпо этиш учун 5 млрд. сўм сарфланди.

САМАРҚАНД
«Универсиада-2004» мусобақалари якуний босқичида 2712 нафардан зиёд талаба-спортчилар қатнашди. Голибларга 230та олтин, 230та кумуш, 251та бронза медаллари ва тегишли дипломлар, сертификатлар топширилди. Бундан ташқари, Президент совғаси — 3та «Damas» русумли автомобиль ҳам ўз соҳибларини топди.

ТОШКЕНТ
«Универсиада-2007»да спортнинг 12 тури бўйича голибликни қўлга киритган талаба-спортчиларга олтин, кумуш ва бронза медаллари тақдим этилди. 1, 2 ва 3-ўринларни қўлга киритган Тошкент, Наманган ва Самарқанд вилоятлари жамоаларига Президент совғаси — янги русумдаги «Damas» автомобили топширилди. Тадбирнинг тантанали ёпилиш маросимида мусобақа байроғини Андижон вилояти вакиллари қабул қилиб олдилар.



**Газетани
варақлаганда:**

**Аббос АТОЕВ:
КАМОЛОТ ЙЎЛИ**

Рингга чиқишимга бир неча дақиқа қолганида ҳаяжонни босиш, руҳий тетикликни таъминлашга ҳаркат қиламан. Шунда доимо қалбан ёнимда мени шу даражага етказган ота-онам, устоз ва мураббийларим, бизга «Маррани доимо баланд олиб яшанг, эртанги кун бизники, сиздек шижоатли ёшларимизники!» деб турган Юртбошимиз, халқимиз мададкор бўлиб турганини ҳис этаман.

3-бетга қаранг.



БАРКАМОЛЛИК

(Давоми.
Боши 1-бетда.)

Ўзимнинг спортдаги фаолиятимга назар ташлар эканман, бунга яна бир карра амин бўлман. Зотан, бугунги эришаётган муваффақиятларимда Бухорода ўтган "Универсиада-2002" мусобақаларида тўплаган тажрибам асқотаётгани шубҳасиз.

Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан яратилган Кадрлар тайёрлаш миллий моделига мос равишда, таълимнинг узвийлик талабларига уйғунлашган доимий фаолиятдаги уч босқичли оммавий спорт тизими ўз мақсад-моҳиятига кўра беқиёс аҳамиятга эга. Яъни, биринчи босқич — "Умид ниҳоллари" ўйинлари умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини қамраб олган ҳолда, ёшларни фойдали ва мазмунли ҳаракатга йўналтириш, курашда чиниқтириш, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, ғалабага интилиш фазилатла-

янада изчил тарбиялашга қаратилган. Шу орқали уларни ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида кенг қамровли ишларни янги босқичга кўтариш имконияти ҳам юзага келиши эътиборлидир.

Учинчи босқич — "Универсиада" спорт мусобақалари олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказилиб, мамлакат терма жамоасини доимий равишда юртимиз шарафини нуфузли халқаро мусобақаларда ҳимоя қила оладиган спортчилар билан тўлдириб бориш имконини бермоқда.

Бу ўйинлар мамлакат ёшларини бир мақсад йўлида бирлаштирадиган улкан куч эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Спорт илк бор мактабда ўқувчининг кундалик эҳтиёжига айланса, академик лицей ва касб-хунар коллежида унинг ажралмас ҳамроҳи бўлиб қолади. Университет ва институтда эса мунтазам спорт билан шуғулланиб келган талаба нуфузли халқаро турнирларда муносиб

катимизда ёшлар тарбияси, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган, дунё ёшлари билан тенгма-тенг баҳсга киришади-

уч бўғинли спорт мусобақалари тизимида амалга оширилаётганида беқиёс маъно мужассам.



ган бўлиб вояга етишлари йўлида олиб борилаётган давлат сиёсатининг изчиллиги ҳамда бардавомлигининг яққол ифодасидир.

Шубҳасиз, тенгдошларимиз, ука ва сингилларимизнинг эришаётган юксак натижаларида мамлакатимизда улар учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳал этувчи омил вазифасини ўтамоқда. Ўтган тарих учун қисқа, аммо, асрларга татигулик 10—15 йиллик давр мобайнида жойларда энг замонавий талабларга жавоб берадиган спорт мажмуалари қурилиб, ёшлар ихтиёрига топширилди. Натижада бир пайтлар ўнқир-чўнқир ялангликда тупроқ чангитиб, тўп тепиб юрган болакайлар бугун замонавий талаблар даражасида бунёд этилган спорт майдонларида ҳақиқий спортчилардек машғулотларда қатнашмоқда. Мамлакатимизнинг чекка-чекка қишлоқларида, овулларида ҳам замонавий андозалардаги теннис кортлари, сузиш ҳавзалари, футбол, баскетбол, волейбол ва бадий гимнастика ареналари қуриляпти. Буларнинг барчаси халқимизнинг ёрқин келажак йўлида амалга ошираётган улкан бунёдкорлик қудратини ҳам намоён этаётир.

Ушбу яратувчанлик ишларининг аксарияти айнан мазкур

Биргина мисол, Бухоро вилоятида "Универсиада" ўйинларининг ўтиши муносабати билан шаҳарда янги марказий стадион қурилди.

Айни ишларнинг аҳамиятини қуйидаги кичик рақам билан ҳам изоҳлаш мумкин: 2000 йили Наманган шаҳри мезбонлик қилган илк мусобақаларда иштирокчилар 9 спорт тури бўйича медаллар шодаси учун курашган бўлса, бугун талабалар футбол, баскетбол, волейбол, теннис, миллий кураш, белбоғли кураш, дзюдо, сузиш, енгил атлетика, қўл тўпи, стол тенниси ва шахмат каби 12та спорт тури борасида куч синашмоқда. Бу эса бугунги ёшлар учун нафақат мамлакатимиз шаҳарларида балки қатор қишлоқларда ҳам ушбу спорт турлари билан бемалол шуғулланиш имкони яратилганидан далолатдир.

Бугунги кунга келиб оммавийликдан юксак спорт ютуқларига йўналтирувчи бу тизим ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан бир қаторда ўнлаб халқаро майдонларда Ўзбекистон нуфу-



рини тарбиялаб, спортни ёшларнинг ҳаётининг эҳтиёжига айлантириш мақсадига хизмат қилади.

Иккинчи босқич — "Баркамол авлод" мусобақалари жараёни эса қалбида спортга меҳр уйғонган касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг соғлом, иродали, ғалабага интилувчан, жисмоний ва ватанпарварлик руҳида

иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Яна бир муҳим томони — мазкур тизимда спортнинг маълум тури билан ошно тутинган йигит-қиз бу борадаги фаолиятини бўлажак оиласида, меҳнат жамоаларида ҳам давом эттириши шубҳасиз. Бу мамла-





ТИМСОЛИ



зини оширишига ҳам хизмат қилмоқда. Ушбу мусобақаларда тобланиб, профессионал спортчи даражасига етишган 40дан ортиқ юртимиз фарзандлари Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва Осиё

чемпионатлари ҳамда бошқа нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Жумладан, Рустам Қосимжонов, Севара Қодирова, Саида Искандарова, Ришод Собиров, Темир Шокиржонов, Денис Истомин, Окгул Омонмуродова, Давлат Чориев, Жасур Ҳасанов каби спортчилар номи юртимиз спорти ҳақида сўз борганда, дунё миқёсида тез-тез тилга тушадиган бўлди.

Мен ҳам айна юртимизда спортга берилаётган юксак эътибор сабаб халқаро майдонларда Ватанимиз байроғини баланд кўтариш бахтига муяссар бўлдим. Айниқса, 2008 йили Хитойда ўтган XXIX Ёзги олимпиада ўйинларида кумуш медалга сазовор бўлганим яқинларим қатори бутун халқимизни қувонтирганини ҳис этиб яна бир бор элимиз олдида ўзимнинг бурчли эканлигимни юракдан ҳис этдим.

Талаба бўлиш — ҳар бир ўқувчининг орзуси, қишлоқда, шаҳарда университетга отланган акаю опаларини кўрганда, уларнинг диллари бир-бир ҳап-қириб қўяди, ичида "Бир кун мен ҳам албатта, уларга ўхшаб талаба бўламан!" деган орзу куртаги кўз ёради. Улар ҳам



мана шундай улкан тадбирда қатнашиб, медалларни қўлга киритиш учун интилади. Бунинг учун мактабдаёқ, сўнгра академик лицейларда, касб-ҳунар коллежларида кунт билан таҳсил олишга ҳаракат қилиши табиийдир.


Мухтасар қилиб айтсак, спорт — кашфиётчи, спорт — дўстлик, спорт — тинчлик элчисидир ва яна бир хусусияти борки, спорт — оҳанрабо, у инсонни эзгулик йўлида ўзига ром этади. Уни ҳаётининг ажралмас бир қисмига айлантирганлар ўйин майдонида гоҳ мағлуб, гоҳ ғолиб бўлишлари мумкин, бироқ бу тизим доирасида иродаси тобланиб ҳаёт синовларида ҳамиша ғолиб бўладилар. Андижон шаҳрида ўтказилаётган "Универсиада-2010" спорт мусобақалари ҳам кўплаб шундай қатъиятли ёшларнинг сафини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

"Универсиада-2010" спорт мусобақаларининг барча қатнашчиларига зафар ёр бўлсин!

Абдулла ТАНГРИЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи,
«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби,
Пекин Олимпиадаси кумуш медали совриндори

Ҳар қандай спортчининг профессионал даражага кўтарилишида, жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда муносиб қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритишида жисмоний машғулотлар билан бирга руҳий тайёргарлик алоҳида аҳамият касб этади.

Шу ўринда айтиш мумкинки, спортга меҳри тушган укаларимизни, сингилларимизни босқичма-босқич тарбиялаб борувчи "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақалари юзлаб, минглаб ёшларнинг руҳиятини тоблаш, чиниқтиришда жуда катта мактаб вазифасини бажаряпти. Бундай дўстона руҳда ўтувчи мусобақалар болаларни аста-секин камолот сари етакламоқда. Улар бу жараёнда мағлубият оғриқларига дош беришни, йўл қўйган хатоларини такрорламасликни, керакли хулоса чиқаришни ўрганади. Зафар кучса, талтайиб кетмасликка, атрофдагиларни, устозларни нутиб қўймасликка чор-



учун маблағ ва шон-шухрат биринчи ўринда туради. Бир қарасангиз, у давлатнинг байроғи остида, бир қарасангиз, бошқа мамлакат туғи остида рингга тушади. Лекин бизнинг халқ

КАМОЛОТ ЙЎЛИ

лайди. Буни кейинчалик мен ҳам халқаро аренада муҳим беллашувлар олдида турган чоғимда кўп бор англаганман.

Ҳаракат азал-азалдан муваффақиятлар калити сифатида эътироф этиб келинади. Халқимизда бу сўз билан боғлиқ мақолларнинг кўплаб учраши бежиз эмас. Миллатнинг навқирон авлоди бўлмиш биз — ёшларнинг бугунги қатъий интилишларимиз эртага албатта давлатимизнинг гуллаб-яшнашига, дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишида муҳим аҳамият касб этади, деб биламан. Юртбошимизнинг бизга ҳар бир соҳада кўрсатаётган улкан ғам-ўрлиги борасида бутун дунёга мамнуният ва гурур билан сўзласак арзийди.

Хоҳ халқаро, хоҳ мамлакатимиз спорт майдонларидаги улкан беллашувлар олдида доим юрагим жиз этиб қўяди. Қандайдир куч томирларимни бир лаҳзада жунбушга келтиради. Айниқса, рингга чиқишга бир неча дақиқа қолганда ҳаяжонни босиш, руҳий тетикликни таъминлаш

ўта муҳим. Шунда доимо қалбан ёнимда мени дуо қилиб турган ота-онам, устоз ва мураббийларим, бизга "Маррани доимо баланд олиб яшанг, эртанги кун бизники, сиздек шижоатли ёшларимизники!" деб турган муҳтарам Юртбошимиз, халқимиз мадаккор бўлиб турганини ҳис этаман. Бунинг қандай куч эканини фақатгина шундай вазиятга тушган спортчи чуқурроқ ҳис қиларкан.

Мусобақалар давомида кўплаб хорижлик спортчилар билан суҳбатлашганман. Очиғини айтиш керак, улар

бундай ҳолатни ҳақли равишда хиёнатга тенглаштиради. Спортчи ҳеч қачон ота-онасини, дўсти, биродарларини — элини шухрат ва бойликка алмашмаслиги керак. Агар у шундай ишга қўл урса, билингки, у аллақачон мангу мағлубиятга учраб бўлди, ғалабаси ҳам ҳеч қачон татимайди.

Узоқни кўзлаб йўлга қўйилган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақалари навқирон авлод учун мана шундай маънавий тарбия мактаби ҳамдир.

Мен тенгдошларимга Андижон шаҳрида ўтказилаётган бу йилги "Универсиада-2010" спорт мусобақаларида улкан зафарлар ёр бўлишини



тилайман. Бу беллашувлар, баҳслар баҳонасида ўзаро яқинлик, дўстлик алоқалари боғланади. Бу ерга келган талаба-спортчилар орасида, шубҳасиз, эртанги куннинг буюк спортчилари, ҳақиқий оила ва Ватан ҳимоячилари борлигига имоним комил.

Аббос АТОЕВ,
«Ўзбекистон ифтихори»
фахрий унвони соҳиби,
«Эл-юрт хурмати» ордени
совриндори, Пекин
Олимпиадаси
иштирокчиси,
бокс бўйича икки карра
жаҳон чемпиони





СПОРТ: ҲАВАС, ИНТИЛИШ, ҒАЛАБА, ФАХР



Мамлакатимизда бешинчи бор ўтказилаётган олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада-2010" спорт мусобақалари "Баркамол авлод йили"га тўғри келганида катта рамзий маъно бор. Бундай анжуманлар мухтарам Юртбошимиз Ислон Каримов таъбири билан айтганда, талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлаш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитларни яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларнинг иродаси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончини, мардлик ва ватанпарварлик, она юртга садоқат туйғуларини камол топтиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, Ватанимиз йигит ва қизларини ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини янада оширишда бундай анжуманларнинг ўрни алоҳида. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий

этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақалари ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етишига ва умидли ёш спортчиларни жаҳон миқёсига олиб чиқишига улкан ҳисса қўшмоқда.

Бугун республикаимиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар ҳадемай турли соҳаларнинг соҳибларига айланади. Эртага юртимиз тараққиёти янада юксакроқ даражаларга олиб чиқадиган кадрлар мана шу авлоддир. Ўйлайманки, республикаимиз миқёсига ўтказиладиган бу анжуман йигит-қизлар қалбида Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч туйғусини янада юксак даражага кўтарди. Шундай экан, гўзал ва фусункор Андижон шаҳрида ўтказилаётган "Универсиада-2010" машъаласи барча ёшларимиз қалбида ҳам порлаб, рўйи заминни мунаввар айлайди.

Пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшиб турган "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси сўнгги йилларда рамзий маънода – спортчилар шаҳарчасига айланди, десак муболага бўлмайди. Бу ерда барча қулайликларга эга бўлган катта футбол майдони, замонавий "Сув спорти саройи", қишки спорт ўйинла-

ри мажмуаси, шунингдек, сифатли таъмирдан чиқарилиб, тўлиқ жиҳозланган олимпия спорт майдони ёш спортчилар ихтиёрида. Яна бир ажиб манзара: спорт мажмуасини ташкил этган қатор иншоотларимиз ва майдонларимиз бамисоли ям-яшил ўрмон орасида жойлашгандек. Қишин-ёзин яшнаб турадиган арчалар, кенг майдон, хиёбонлар, икки чети анвойи гулларга бурканган йўл ва йўлаклар талаба-спортчиларимизга сурур бахш этади. Ана шу майдонларда энг малакали спорт усталари мураббийлигида эпчил ва чаққон талабаларимиз бу анжуманга ҳам қизгин ҳозирлик кўрдилар.

Айтиш жоизки, уч йил бурун худди шу майдонларда республикаимиз олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада-2007" спорт мусобақалари юксак даражада ўтказилгани минглаб талаба ёшлар қалбида

ўчмас таассурот қолдирган эди. Ана шу мусобақаларда ўзларини намоён этишган кўплаб ёш спортчилар кейинги йилларда республика ва Марказий Осиё миқёсида ўтган чемпионатларда ҳам голиблик шохсупаларига чиққанлари барчамизга гурур бахш этади.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги улкан ишларни изчил давом эттириш, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларимизда давр талабига муносиб спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур дастур ва унда белгиланган вазифалар соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолининг тиббий мадани-

ятини юксалтириш, оммавий спортни янада ривожлантириш борасидаги ишлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, ёш авлодда спортга иштиёқ ортган сари юксак марраларга интилиш ҳам кучаяди. Турли мусобақалардан катта ғалабалар билан қайтган спортчиларни кўрган ҳар бир ўғил-қиз у билан фахрланади, унга ҳавас билан қарайди. Ўзи ҳам шундай муваффақиятга эришишга интилади. "Спорт ёшларни турли иллатлардан қайтаридиган, ҳал қилувчи аҳамиятга молик энг яхши воситалардан биридир, – деб таъкидлаганди давлатимиз раҳбари. – Спорт билан шуғулланган йигит-қизларнинг саломатлиги яхши, фикриники бўлади, улар оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ёрдам беради". Узлуксиз таълимнинг



ётган саъй-ҳаракатлар замирида юртимиз келажакнинг буюклигини кафолатлашдек эзгу мақсадлар мужассамдир.

Мамлакатимизда карвонбоши университет дея эътироф этилган ўқув даргоҳимиз талабаларининг республикаимиз миқёсига ўтказиладиган турли спорт мусобақаларида доимий шiori шундай бўлади: Университетим шарафи – менинг шарафим! Зотан, бу спорт анжумани келгусида мамлакатимиз шарафини жаҳон майдонларида ҳимоя қилишга ва Ўзбекистон байрогини дунё узра балан кўтаришга қодир юзлаб ҳақиқий спортчиларни саралашга ҳам хизмат қилади, деб умид қиламиз.

Фафуржон МУҲАМЕДОВ,
Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий
университети ректори,
Олий Мажлис Сенати
аъзоси



ИМКОНИАТЛАР МАЙДОНИ

"Ёшлик" талабалар шаҳарчасига мудом файз киритиб турган Сув спорти саройи ва барча қулайликларга эга бўлган спорт заллари, майдонларимиз ёш спортчиларимизга ҳамisha қанот бахш этади. Бу ерда аллақачон Миллий университетимиз спортчи талабаларининг маҳорат мактаби шаклланган. Бу мактабда камолга етаётган спортчилар навбатдаги поғоналарга қадам қўяр эканлар, "эстафета таёқчаси"ни навбатдаги талабаларга тақдим этиб кетиши анъананага айланган. Шу тариқа сўнгги ўн-ўн беш йил мобайнида бу даргоҳдан қанчадан-қанча таниқли спортчилар етишиб чиққани билан фахрланамиз. Муҳтарам Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажакини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Уч йил илгари мана шу майдонларимизда ўтказилган "Универсиада-2007" спорт мусобақаларида фаол иштирок этган спортчи-талабаларимиз катта муваффақиятларни кўлга киритган эдилар. Бу йил «Универсиада-2010» спорт мусобақаларида илк бор иштирок этаётган иқтисод факультети 2-босқич талабаси Дониёр Абдурахимов, журналистика факультети 4-босқич талабаси Осиё Юсупова, фалсафа факультети 2-босқич талабаси Иван Платунов сингари ёш иқтидор соҳиблари эришилган ютуқларимизни янада бойитишига ишонамиз.

Темур НАБИЕВ,
Миллий университет жисмоний тарбия кафедраси мудири,
педагогика фанлари номзоди, доцент,
спорт устаси, Миллий тоифадаги ҳакам

Соғ танда соғлом ақл, деганларидек, талабаларнинг мунтазам спорт билан шуғулланишлари танлаган соҳалари бўйича янада пухта билим олишларига ёрдам беради. Миллий университетимиз қишки спорт саройи ва замонавий жиҳозлар билан таъминланган майдонлари ҳар куни талабалар ихтиёрида. Бу масканларда чиниқиб, алоҳида маҳоратини намоён этаётган ёш истеъдод соҳиблари нуфузли жамоаларга тақлиф этиладилар.

Шуни гурур билан айтишимиз мумкинки, Миллий университетимиз спорт комплекси ана шундай

интилувчан ёшлар учун чинакам имкониятлар майдонига айланган.

Университетимиз хоржижий филология факультети 1-босқич та-

турли мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаган фалсафа факультети 3-босқич талабалари Марина Захарова, Дария Барчан-Попова, 2-босқич магистранти Евгений Исҳоқбоев каби спортчи талабалар келгусида танлаган касбларининг етук мутахассислари бўлиб етишишлари билан бир қаторда спорт соҳаси ривожига ҳам самарали ҳисса қўишиларига ишонамиз.

Андрей ПЛАТУНОВ,
Миллий университет
спорт клуби раҳбари,
спорт устаси,
Миллий тоифадаги ҳакам

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

лабаси, энгил атлетика бўйича спорт усталига номзод Александра Крюченко, механика-математика факультети 1-босқич талабаси, шахмат бўйича Осиё чемпионатида бронза медали соҳибаси бўлган Нодира Нодиржоновна,

ОРЗУЛАР УШАПАДИГАН КҮН

нашиш ҳар бир талабанинг орзуси бўлса керак. Бу анжуманда кўплаб дўстлар ортирамиз. Аниқроғи, ҳақиқий дўстларимизни билиб оламиз! Гарчи майдонларда куч синашса-да, келгусида бир тану бир жон бўлиб жонажон Ўзбекистон шарафи учун бирга курашамиз!

Шуни фахр билан айтишим мумкинки, мен улгайган фусункор Наманган вилояти қишлоқларида ҳам болалар спортини ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Спортга бўлган қизиқиш ана шу масканда пайдо бўлган. Миллий университет талабаси бўлишдек бахтга эришганимдан буён иқтисод соҳасида пухта билим эгаллаш билан бир қаторда барча қулайликларга эга бўлган энг замонавий спорт мажмуасида қўл тўпи билан мунтазам шуғулланаман.

Асосан Миллий университетимиз спортчи-талабаларидан таркиб топган пойтахт шаҳар қўл тўпи спорти жамоаси 2009 йилда Ўзбекистон чемпионатида фахрли 2-ўринни эгаллаб, кумуш медали соҳиби бўлганимизда биз учун яратилаётган бекиёс имкониятлар учун азиз Юрт-



бошимизнинг қуйидаги сўзлари қулоқларим остида яна бир бора жаранлагандек бўлди: "Спорт ёш авлодга соғломат, бардам-бақувват, хурфикр инсон бўлиб етишиш учун ёрдам беради. Спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун ўзига хос замин бўлиб хизмат қилади. Спорт Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўйини янада ошириш, нуфузини янада юксалтириш учун имконият яратади".

"Универсиада – 2010" спорт мусобақаларида ана шундай кўтаринки руҳ билан майдонга тушар эканмиз, биз учун Ватан шарафи шу майдонлардан бошланади, деган ифтихор туйғуси қалбимизда мудом жўш ураверади.

Дониёр АБДУРАҲИМОВ,
ЎзМУ иқтисод факультети
2-босқич талабаси





Тўғаракларда талабалар иштироки ўсишини куйидагича 1-диаграммада таққослашимиз мумкин. «Универсиада - 2004» 2-босқич саралаш мусобақаларида 15 спорт тури бўйича институт терма жамоаси 3-ўринни эгаллаган.

Шундай бўлса-да, спортчиларимиз сони шу йили кескин ортиб, 720 нафарга етди.

2000—2007 йиллар оралиғида институтдаги спорт турлари бўйича ташкил қилинган тўғараклар сонининг ортиб боришини 2-диаг-



жами 10та медалга эга бўлган бўлса, улардан 1таси олтин, 1таси кумуш, 8таси эса бронза медаллари эди.

Бу йиллар оралиғида 4 та «Универсиада»да кўрсатган натижага кўра, умумжамоа ҳисобида, республикадаги 64 олий ўқув юрти орасида 25-ўринни эгалладик.

2004—2007 йиллари талабаларимиздан 120 нафари турли спорт турлари бўйича Республика мусобақаларида иштирок этди.

Мисолларга мурожаат этамиз: мини футбол терма жамоамиз


Миллатимиз ёшларининг руҳан тетик, жисмонан бақувват бўлиб камол топишида спортнинг жуда муҳим ўрни бор. Шу боис Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ҳаракатлари билан пухта режа асосида уч босқичли спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. Мана, бир неча йилдирки, олимпиада мусобақаларида, Осиё, жаҳон биринчиликларида қатнашиб келаётган терма жамоа аъзолари айнан юқорида кўрсатилган мусобақа голибларидан етишиб чиқаётир.

Андижон давлат тиббиёт институти жисмоний тарбия ва соғломлаштириш кафедраси ўқитувчи ва мураббийлари ҳам ана шундай юксак мақсадларни кўзлаб меҳнат қилишяпти. «Универсиада» мусобақаларининг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 2000 йилгача Андижон давлат тиббиёт институти талабалари фақатгина касаба уюшмалари кенгаши томонидан ўтказиладиган республика талабалари спорт ўйинлари саралаш мусобақаларида иштирок этиб келган.

2000—2007 йиллар оралиғида қилинган ишларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, кафедра ходимлари талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва оммавий спортга уларнинг муносабатларини тубдан ўзгартириш, спорт тўғаракларини, соғломлаштириш гуруҳларининг фаолиятини жадаллаштириш борасида талайгина ишларни амалга оширди.

Юқоридаги вазибаларнинг бажарилишини кузатиш мақсадида «Универсиада» дастурига кирувчи спорт турлари бўйича олиб борилган ишлар, 1, 2, 3-босқич мусобақаларида эришган натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак, ютуқлар кўзга ташланади.

Масалан, «Универсиада - 2000» мусобақаларининг финал босқичида қадар институт қошида спорт тури би иши тўхтатилган бўлиб, фақат институт жисмоний тарбия кафедраси ўқитувчиларидан иборат мураббийлар талабалар билан



спорт турлари бўйича тўғарак ишларини олиб боришарди. Бу даврда 9 спорт тури бўйича тўғаракларда 270 нафар талаба қатнашган, уларнинг 70 нафари қизлар бўлган.

2001 йили тўғараклар сони 14 тага, уларда қатнашувчи талабалар сони эса 360 нафарга кўпайди. Улардан 100 нафарини қизлар ташкил этди. «Универсиада-2002» мусобақаларининг финал қисмидан кейин спорт тўғаракларида қатнашувчилар сони 421 нафар, жумладан, талаба қизлар сони эса 120 нафарга етди.

рамма мисолида кўриб ўтамиз. Бу кўрсаткичлар динамикаси йилдан-йилга кўтарилмоқда. Институтимизнинг вилоят терма жамоасига қўшган ҳиссасини фоизлар миқдоридан тавсифлайдиган бўлсак, улар куйидагича: дастлабки мусобақаларда қатнашчилар 154 нафар талабадан иборат эди. Улардан бор-йўғи 17 нафари Андижон давлат тиббиёт институти талабалари бўлган. Бу умумий жамоанинг 11,4 фоизини ташкил этган. «Универсиада - 2002» мусобақаларининг финал қисмига келиб, вилоят жамоаси таркибидаги 139 нафар қатнашчининг 28 нафари институтимиз талабалари эди. Бу умумий қатнашувчи талабаларнинг 20,0 фоизи демак. Буни ҳам 3-диаграмма мисолида акс эттирадиган бўлсак, куйидаги тасаввурга эга бўламиз.

2005, 2006 йилларда ўтказилган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги «Талаба» спорт уюшмаси кубоги учун 64 та олий ўқув юрти ўртасида ўтказилган мусобақаларнинг худудий босқичида 3-ўринни эгаллаб, 12 жамоа иштирокидаги финал мусобақаларида 3 марта иштирок этди.

Энгил атлетика бўйича қатнашган 6 нафар талабаларимиздан 2 нафари — Надежда Кожевникова, уч хатлаб сакраш, Хайрилло Омонов ядро улоқтириш бўйича бронза медали, дзюдо мусобақаларида Фозил Расулов бронза медали соҳиби бўлди.

Шахмат бўйича вилоят терма жамоаси сафида қатнашган 2 нафар талаба қизимиз 7-ўринни эгаллаб, вилоят терма жамоаси жамғармасига 8 очко билан ҳисса қўшди.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, «Универсиада-2007» финал мусобақаларида қатнашган Андижон вилояти терма жамоаси спортчиларининг қарийб 35 фоизи АДТИ талабалари эди.


Бу йилги мусобақаларда қатнашиш учун институтимиз жамоаси алоҳида тайёргарликдан ўтди. Волейбол (йигитлар) бўйича курсларро биринчиликда 100 нафар талаба иштирок этди. Голиблар институт касаба уюшмаси, «Камолот» ЁИХ кўмитаси томонидан совғалар, «Букрот» спорт-соғломлаштириш клубининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Бир сўз билан айтганда, институтимиз талабалари бу йилги беллашувларда мезбон бўлиб иштирок этишса-да, бор имкониятларини тўлиқ ишга соладилар.

«Универсиада - 2004» спорт мусобақаларида институтимиз жамоаси қўшган ҳисса куйидагича бўлди: Мусобақаларда қатнашган 166 нафар андижонлик талабадан 26 нафари АДТИ спортчилари бўлиб, улар умумий қатнашчиларнинг 16,4 фоизини ташкил қилган.

«Универсиада-2007» финал мусобақаларида умумий талабалар сони 139 нафар бўлса, улардан 26 нафари Андижон давлат тиббиёт институти талабалари эди, бу умумий қатнашчи талабаларнинг 19 фоизини ташкил қилди.

«Универсиада - 2007» мусобақаларининг финал қисмида иштирок этган талабаларнинг, умумий қатнашчилар сонига фоизлар ҳисобидаги нисбати куйидаги 4-диаграммада келтирилмоқда:



2000—2007 йиллар оралиғида институт талабаларидан 6 нафари

Алишер ШОДМОНОВ,
Андижон давлат тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Аёллар спорти: ТАРҒИБОТ, РАҒБАТ, РИВОЖЛАНИШ



Институтимиз спорт клуби қошида 15 спорт тури бўйича тўғараклар мунтазам фаолият юритаяптир. Уларда 800 нафар талаба ўз спорт ма-

ҳоратларини ошириб, саломатликларини мустаҳкамламоқда. Тўғарак аъзоларидан 223 нафари қизлардир.

Талабаримиз бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун, доимий равишда мусобақалар ўтказиб боришни йўлга қўйганмиз. Институтда таҳсил олаётган ва ётоқхонада яшаётган 1—7-курс талабалари ўртасида ҳар йили спортнинг 8 тури бўйича ўтказиладиган мусобақалар фикримиз далилидир.

Андижон вилояти «Ватанпарвар» ташкилоти билан ҳамкорликда «Ватан ҳимоячилари кунига», 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига ва «Югуриш кунига» бағишлаб ўтказиладиган кросс мусобақаларида янги-янги иқтидорли ёшлар аниқланмоқда. 100, 400, 800, 1200 м масофага югуриш бўйича йигит ва қизлар ўртасида мусобақалар ҳам бунга мисол бўла олади.

Белгиланган иш режасига асосан ўтказиладиган «Алпомиш ва Барчиной» синов-тест талабларини топшириш мақсадида 100, 400, 1000м масофага югуриш ва турникда тортилиш мусобақаларида 1900 нафар талаба иштирок этмоқда.

Бу беллашувларда баҳслашган спортчиларнинг 500 нафари қизлар эканлигини инobatга оладиган бўлсак, кейинги йилларда қишлоқ жойларда спортчи хотин-қизлар сафининг кенгайиб бораётганлигини кўрамиз. Бу эса ҳукуратимиз, шахсан Юртбошимиз томонидан жойларда хотин-қиз спортчиларнинг хоҳлаган спорт тури билан шуғулланишларига етарли шарт-шароит яратиш борасидаги ғамхўрликларнинг натижасидир, десак муболаға бўлмас.

Бундан ташқари, стол тенниси, мини футбол, баскетбол, гандбол, сузиш, шахмат-шашка тўғаракларида ҳам қизларимиз яхши натижаларга эришмоқда.

Тошкент шаҳрида ўтказилган «Талаба» спорт уюшмаси кубоги мусобақаларида институтимизнинг волейбол (аёллар) терма жамоаси II ўринни эгаллаб қайтди. Ўзбекистон чемпионати олий лига мусобақаларида ҳам волейбол (аёллар) терма жамоаси иштирок этиб, II ўринга сазовор бўлди. Ўзбекистон кубоги мусобақаларида энгил атлетика жамоасидан 10 нафар спортчимиз II ўринни эгаллади. Ўзбекистон чемпионати мусобақаларида Шахмат жамоаси ҳам худди шундай натижаларни қайд этди.

А.МАДАЗИМОВ, институтнинг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича 1-проректори техника фанлари доктори, профессор, Н.МУЙДИНОВ, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш кафедраси доценти



«Универсиада-2007» финал мусобақаларида қатнашган Андижон вилояти терма жамоаси спортчиларининг қарийб 35 фоизи АДТИ талабалари эди.

Бир сўз билан айтганда, институтимиз талабалари бу йилги беллашувларда мезбон бўлиб иштирок этишса-да, бор имкониятларини тўлиқ ишга соладилар.





Кези келганда қайд этиб ўтиш жоизки, ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчалик дунёга тез танита олмайди. Демакки, фарзандларимизнинг руҳан, жисмонан етук шахс бўлиб камол топишида камарбасталик вазифасини ўтовчи спорт юртимизнинг оламари танилиб, тан олиниши, эллараро дўстлик, тинчлик ришталарини боғловчи ришта ҳамдир.

Ma'rifat
2010-yil 27-may

Халқимиз — болажон эл. Ўз бахту саодатини фарзандларининг икболида кўради. Ёшларнинг ҳар томонлама етук шахслар бўлиб камол топишига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ҳам миллатимизнинг ана шу қарашларига монанд тарзда қарор топган, десак муболаға бўлмас.

Бугун ўғил-қизларимиз ўзларининг имконият ва



эгалари анчагина. Кураш бўйича жаҳон чемпиони Ширин Шарипов, дзюдо бўйича Осиё чемпиони Фарҳод Мусаев, эркин кураш бўйича Осиё чемпионатида совриндор бўлган Субҳон Тошпўлатов, республика чемпионилари, дзюдо устаси Элдор Қаршиев, енгил атлетика бўйича Сардор Ибо-

АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ

«Универсиада» мусобақалари орқали кўплаб ёшларимиз спортга меҳр қўйиб, ҳатто жаҳоннинг энг нуфузли спорт майдонларида ҳам юрт байроғини баланд кўтариб қайтишмоқда.

2007 йилнинг 20—24 июнь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган «Универсиада» мусобақаларида БухДУ талабалари ҳам фаол иштирок этиб, 13та олтин, 13та кумуш ва 4та бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Университетимизда спорт-соғломлаштириш ишлари намунали йўлга қўйилган. 2та футбол майдони, 2та спорт зали, 2та қўл тўпи майдони, 3та волейбол майдони, 3та баскетбол майдони ва югуриш йўлакчалари талабалар ихтиёрида.

«Талаба» спорт клуби қошида спортнинг 17 тури бўйича секцияларида айна пайтда университет талабаларининг салкам 50 фоизи спорт билан мунта-



зам шуғулланиб келмоқда. Бу кўрсаткич йилдан-йилга талаба-ёшлар орасида спортга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганлигидан далolat беради.

Талаба-ёшларимиздан умидимиз катта. Шубҳасиз, бу мусобақаларнинг бугунги ғолиблари эртага Олимпия ўйинларида ҳам иштирок этиб, Ўзбекистон ёшлари, Алпомиш авлодлари, улуғ Амир Темури набираларининг нималарга қодирлигини кўрсатади.

Б. МАЪМУРОВ,
«Талаба» спорт клуби раиси

МУСТАҲЖАМ ИШОҶ

қизиқишлари доирасида касб-хунар танлашлари, хоҳлаган спорт тури билан шуғулланишлари, интеллектуал баҳсларда билимларини намойиш этишлари мумкин. Бу беллашувлар уларнинг ўзларига бўлган ишончларини ошириб, янада залворли одимлар ташлашга ундайди, тайёрлайди.

Кези келганда қайд этиб ўтиш жоизки, ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчалик дунёга тез танита олмайди. Демакки, фарзандларимизнинг руҳан, жисмонан етук шахс бўлиб камол топишида камарбасталик вазифасини ўтовчи спорт юртимизнинг оламари танилиб, тан олиниши, эллараро дўстлик, тинчлик ришталарини боғловчи ришта ҳамдир.

Маълумки, талаба-ёшларимизнинг катта спорт байрами дўстлик анжуманига айланиб бораётган «Универсиада»нинг бу галги беллашувлари дастуридан спортнинг 12 тури ўрин олган. Мазкур турларнинг барчасида фаол иштирок этишни ният қилган вакилларимиз мусобақаларга қизгин ҳозирлик кўришди. Машғулотларни юқори савияда ташкил этиш учун вилоятимиздаги энг замонавий жиҳозларга эга спорт мажмуалари талабалар ихтиёрига берилди. Албатта, бу ишончнинг асослари бор. Талабаларимиз орасида спортнинг бир неча тури бўйича жаҳон ва Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган умидли истеъдод

дов шулар жумласидандир.

Шунингдек, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» мусобақаларида чарланган йигит-қизларнинг талабаларимиз сафига қўшилиши «Универсиада»га янги кучлар билан бориш имкониятини туғдираётир. Жумладан, «Баркамол авлод» ғолиблари Отабек Бахронов, Замир Набиев, «Умид ниҳоллари» совриндори Исмоил Ражабовнинг эришган муваффақиятлари навбатдаги беллашувлар учун мустаҳкам замин вазифасини ўташи шаксиз.

С. КАҲҲОРОВ,
Бухоро давлат университети ректори вазифасини бажарувчи



иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидир. Агар жисм тозалик ила зийнланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса,

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК

чопоннинг устини кўюб, астарини ювуб, овора бўлмоқ кабидурки, ҳар вақт устидаги кир ичига урадур». Бу борада «Универсиада» ўйинларининг аҳамияти шундаки, у олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган минглаб ёшларни спортга жалб қилиш орқали соғлом турмуш тарзини қарор топтиради ва ақлий салоҳиятини оширади.

Б. АДIZОВ,
БухДУ маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича 1-проректори

Саломатлик инсон учун энг улуғ бахтдир. Зеро, табиат берган неъматлардан баҳра олмоқ учун инсон соғлом, бақувват ҳамда зукко бўлмоғи керак. Маънан соғлом бўлиш учун жисмонан бақувват бўлиш лозим. Абдулла Авлодий ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асаарида бу ҳақда шундай ёзади:

«Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ

ЁШЛИК, ГЎЗАЛЛИК ВА СПОРТ БАЙРАМИ

Муҳтарам Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами бўлган «Универсиада» — Ўзбекистон ёшларининг ўзига хос спорт олимпиадасидир.

Бу йил бешинчи бор ўтказилаётган «Универсиада-2010» спорт ўйинларидан кўзланган асосий мақсад ҳам шунда.

Водийнинг гўзал воҳаларидан бири Андижон шаҳрида ўтказилаётган «Универсиада-2010» мусобақалари талаба-ёшларимизни руҳан ва жисмонан чиниқтириб, келажақда улар орасидан мустақил Ўзбекистон довуғини дунёга таратадиган машҳур спортчилар етиштириб беришига ишончимиз комил. Бу борада мен ҳам бор куч-ғайратимни намойиш этишга тайёрман.

Ш. ШАРИПОВ,
кураш бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони



БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

профессор-ўқитувчилари ва талабалари жамоаси

«Универсиада-2010» спорт мусобақалари қатнашчиларини самимий муборакбод этади!




СПОРТ ЁШЛАРНИНГ КЕЛГУСИ ҲАЁТИГА МАЗМУН БАҒИШЛАЙДИ

«Универсиада-2010» мусобақаларида университетимизда қизгин тайёргарлик ишлари олиб борилди. Даставвал спортчи-талабаларимизнинг маҳорати саралаш босқичларида тобланиб, якуний республика босқичида қатнашадиган терма жамоа таркиби шакллантирилди.

Ишонаманки, вакилларимиз Андижон шаҳрида бўлиб ўтадиган мусобақаларда яхши натижаларни қўлга киритишди ва спорт келгусида уларнинг ҳаётига мазмун бағишлайди.

«Универсиада-2010» ўйинларида вилоятимиз номидан иштирок этишдек фахрли шарафга сазовор бўлган барча талаба-ёшларга муваффақият тиланган ҳолда келажаги буюк давлатни қуриш ва мустаҳкамлашдек олижаноб ишларида доимо омад ёр бўлишини истаб қоламан.

Ҳ. ШАРИПОВ,
маънавият ва маърифат бўлими услубшуноси





Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мос равишда спортда ҳам узлуксизлик таъминланди.

Олий ўқув юртлари талабалари ўрта-сида 2000 йилдан буён ўтказиб келинаётган "Универсиада" мусобақалари мазкур тизимнинг юқори босқичи ҳисобланади. Йигит-қизларни оммавий спортга жалб этишга хизмат қилувчи айни спорт мусобақалари бу халқаро мезон ва талаблар даражасида ташкил этилгани би-

лан кишини қувонтиради, албатта. Спортнинг олимпия, оммавий ҳаракатли ва миллий турларини янада ривожлантириш сари дадил одимланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Бухоро озиқ-овқат ва энгил саноат институти талабалари ҳар галги «Универсиада» беллашувларида бошқа ўқув юртлари талабаларидан иборат вилоят терма жамоаси таркибидан муносиб ўрин олиб келишяпти.

турларда совриндорлар сафидан ўрин олиб, умумжамоа кўрсаткичларининг яшиланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Масалан, "Универсиада-2007" мусобақаларида талабаларимиздан Камол Рашидов, Фарҳод Тошпўлатов энгил атлетикачилар баҳсида олтин медалларни қўлга киритган эди.

Ҳар галги "Универсиада"дан сўнг қилинган ишлар, жараёнда юзага кел-

уюшмаси қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти саъй-ҳаракатларини уйғунлаштириб олиб бормоқда. Ҳар галги беллашувлардан сўнг, голиб ва совриндорларни рағбатлантиришга муҳим эътибор берилади.

Бу йилги "Универсиада" баҳсларида 23 нафар талабамиз вилоятимиз шарафини саралаш босқичларида ҳимоя қилади. Уйлаймизки, улар илгариги муваффақиятларимизни янада мустаҳкамлайди.

"Баркамол авлод йили" да ишлаб чиқилган Давлат ва ҳудудий дастурларда ёшларнинг ҳар томонлама, жумладан жисмоний жиҳатдан камол топишларига қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Уни ҳаётга татбиқ этиш, муваффақиятли амалга ошириш барчамизнинг зиммамизга юксак масъулият юклайди. Институтимиз раҳбарияти юқоридагиларни инobatга олиб талабаларимизнинг маънан ҳамда жисмонан соғлом камол топишлари учун барча имкониятларни ишга солади.

Мухсин ХОДЖИЕВ,
Бухоро озиқ-овқат ва энгил саноат технологиялари институти ректори,
техника фанлари доктори,
профессор

ЁШЛАР БИЗНИНГ ФАХРИМИЗ

Мисолларга мурожаат этамиз: агар, 2000 йили "Универсиада" мусобақаларида 1 нафар вакилимиз иштирок этган бўлса, 2002 йилда улар сони 16 нафарни, 2004 йилда 18 нафарни, 2007 йили эса, 20 нафарни ташкил этди. Бундай ўсиш институтимизда спортнинг оммавийлигига, истеъдодли ёшларни аниқлаш, улар маҳоратини оширишга йил сайин катта эътибор берилганлиги натижасидир.

Диққатга сазовор жиҳатларидан яна бири шундаки, вилоят терма жамоасига жалб қилинган вакилларимиз муайян

ган муаммо ҳамда ютуқлар таҳлил этиб, муаммоларни ҳал қилиш, илғор тажрибаларни ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз. Бу эса нафақат спортни ривожлантиришга, балки, таълимдаги барча жараёнларда аниқ механизмга асосланган тизим яратиш имконини бермоқда.

Факультетлар ва факультетлараро мусобақаларни юқори савияда ташкил этиш, спорт шахарчасидаги иншоотларда тегишли шарт-шароит яратишда институт маъмурияси, бирлашган касаб

ТАРАДДУД



риш ва улар маҳоратини ошириш эвазига таъминланади. Институт раҳбарияти ҳам "Универсиада"га тайёргарлик жараёнида мана шу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда.

Андижонда бўлиб ўтадиган мусобақаларда вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган спорт турлари бўйича жамоалар таркиби

Ҳар бир жамоанинг барқарор натижага эришиши таркибни доимий равишда кучли спортчилар билан тўлдириб бо-

асосини институтимиз вакиллари ташкил қилмоқда.

Вилоят шарафини ҳимоя қиладиган волей-

болчи қизлар, стол тенниси, шахмат ва шашка жамоалари таркиби ҳам асосан институтимиз талабаларидан иборат. Шу боис, уларнинг "Универсиада" мусобақаларида тайёргарлик кўриши институт раҳбарияти зиммасига алоҳида масъулият юклади. Жамоалар спорт инвентарлари ва кийимлари билан тўлиқ таъминлаган. Машғулотларни пухта тайёргарлик асосида олиб бориши учун етарли шароит яратиб берилди.


Бундан ташқари, талабаларнинг институт санаторий-профилакторийсида даволаниш ва ҳордиқ чиқаришлари учун касаб

уошма қўмитаси қарорига мувофиқ бепул йўлланма ажратилгани ишимиз самарадорлигини оширди.

Махмуд РАХИМОВ,
жисмоний тарбия кафедраси мудири

Камола КАРИМОВА, касбий таълим факультети талабаси:


— Мен мактабда ўқиб юрган кезларимда 2007 йилги "Универсиада" мусобақаларини ҳаяжон билан телевизорда кўрганман. Энди ўзим ана шу масъулиятли жараёнда бевосита иштирок этаман. Бу мен учун катта шарафдир. Ана шу ишончни оқлаш учун бутун куч ва имкониятим билан ҳаракат қиламан.



Махсум БОЗОРОВ, касбий таълим факультети 2-босқич магистранти:


— Бу галги "Универсиада" янада қизиқарли ўтиши аниқ. Чунки, ҳар йили иқтидорли ёшлар, жумладан, кучли шахматчилар етишиб чиқаяпти. Уларнинг кўпчилиги мамлакат чемпионатларида қатнашиб, ўз маҳоратини намойиш этишган.

Вилоятимиз жамоасининг имкониятига келсак, ҳар ҳолда таркибимиз анчагина кучли. Биз саралаш мусобақаларидан муваффақиятли ўтиб, совриндорлар сафига киришга ҳаракат қиламиз.



Жаҳонгир УСМОНОВ, касбий таълим факультети 3-босқич талабаси:

— Кураш мусобақаларида мен гиламга тушадиган 90 килограмм вазн тоифаси бўйича рақобат кучли бўлади. Мамлакат чемпионати ва халқаро турнирларда бир неча бор медалларни қўлга киритганим ишончни оширмоқда. Коллекциямда "Универсиада" олтин медали бўлиши, бу нафақат менинг ҳаракатларим самараси балки, институтимизда биз спортчиларга қаратилган эътибор ва яратиб берилган шарт-шароитлар натижаси ҳамдир, деб ҳисоблайман. "Универсиада-2010" мусобақаларида вилоятимиз шу билан биргаликда институтимиз ишончи ва шарафини оқлашга ҳаракат қиламиз.



Қўл тўпи мусобақаларида буюхороликлар доимо кучлилар сафидан жой олишга даъвогар сифатида эътироф этилади. Талантли ёшларни кашф этишда мураббий Бақо Халиловнинг хизмати катта. У қўл тўпи тўга-

раклари ишини жонлантириб, талаба-ёшлар билан ишлашда катта тажрибага эга.

Стол теннисчиларимизга эса вилоятнинг тажрибали мутахассисларидан бири, "Универсиада-2002" мусобақасида яхши натижаси билан кўзга кўринган Гулнора Шаропова етакчилик қиляпти. Жамоамизнинг беллашувларда юқори натижаларни қўлга киритиши ҳар жиҳатдан бугунги тайёргарликларга боғлиқ.

Бугун вилоят терма жамоаси сафида беллашадиган институтимиз спортчи-талабалари таркибига назар ташлайдиган бўлсак, улар орасида "Умид ниҳоллари" мусобақасида вилоят шарафини ҳимоя қилган курашчи Жаҳонгир Ус-

монов, энгил атлетикачи Камол Рашидов, қўл тўпи усталари Алишер Нарзуллаев, Аҳад Мўминов каби маҳоратли спортчи-талабаларни кўраимиз.

МУРАББИЙГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

Бундай таркиб билан вилоятимиз шарафини ҳимоя қиладиган ёшларимиз барчамизнинг умид ва ишончимиздир.

Шахмат мусобақаларида вилоят шарафини ҳимоя қиладиган магистрант Махсум Бозо-

ров "Универсиада"да иккинчи бор иштирок этапти. У шахмат билан 4-синфдан оқ шугулланиб келади. Бухоро шахридаги 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси Ҳалим Тўраев раҳбарлигида маҳоратини ошириб, вилоят мусобақаларида ўзини кўрсатгач, Республика чемпионати биринчи лигасида кўп бор иштирок этган. 2008 йилги мамлакат чемпионатларида совриндорлар сафидан ўрин олган. Спорт усталигига номзод.

Универсиада мусобақаларида қатнашадиган институт талабалари орасида Махсум сингари қишлоқдан етишиб чиққан ёшлар, жумладан, қизлар анча-

гина. Масалан, энгил атлетика мусобақаларида қатнашадиган қизларимиздан вобкентлик Зебинисо Эргашева, олотлик Камола Каримова қишлоқда туғилиб ўша ердаги мактабларда, касб-хунар коллежларида таълим олишган. Буни бекорга айтмаётганимиз йўқ. Кўриниб турибдики, туманларда йил сайин оммавий ҳамда профессионал спорт ривожланиб бормоқда. Бу эса, истеъдодларни кашф этишнинг муҳим омилига айланаётир.

Жума ХАЙИТОВ,
«Талаба» спорт клуби раҳбари,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Суратда:
мураббий Бақо Халилов





“Талаба” спорт клуби мавжуд бўлиб, унда ёшлар спортнинг 13 тури бўйича турли секцияларда мунтазам машгулот олиб бормоқда. Бундай шароит ва имконият талабаларимизнинг кўплаб нуфузли мусобақаларда иштирок этишини таъминляпти.

Ma'rifat
2010-yil 27-may

КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ – ЮРТ ҚУДРАТИ

Устозларга хурмат-иззат, уларни эъзозлаш азалий қадрият. Шу боис ҳам юртимизда устоз-мураббийлар ҳамшиша эътиборда ва хурмат-иззатда. Мустақиллик йилларида ёш авлодни тарбияловчи устоз ва мураббийларга бўлган эътибор янада ошди. Жиззах давлат педагогика институти жамоаси ана шу эҳтиромдан руҳланган ҳолда юксак хурматга муносиб педагог кадрлар тайёрлаш борасида самарали фаолият кўрсатиб келаётган олий таълим муассасаларидандир.

Институтимиз ўтган 35 йилдан ортиқ вақт мобайнида вилоятимиз ва юртимиз учун кўплаб малакали педагог кадрлар тайёрланди. Улар айни кунда турли таълим масканларида ёшларимизни замон руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Институтимиз бугунги кунда давлатимиз ва ҳукуматимиз талаблари даражасидаги кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш учун барча зарурий имконият ва шарт-шароитга эга. Ҳозирда 8та факультет, махсус сиртқи бўлими ва 32та кафедра мавжуд. Бакалаврият таълим йўналиши 18та. Унда жами 6643 нафар талаба кундузги ва махсус сиртқи бўлимида таҳсил олмақда. Талабаларга сифатли билим бериш учун етарли куч ва салоҳиятга эга бўлган профессор ва ўқитувчилардан иборат жамоа шаклланди. 500 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар талабаларга дарс бермоқда.

Салоҳиятли кадрлар — Ватанимиз қудрати. Шу боис жамоамиз бутун куч ва эътиборини кадрлар тайёрлаш сифати ва салоҳиятини оширишга сафарбар этмоқда. Бунинг учун

профессор ўқитувчиларнинг тажриба ва маҳоратини оширишга қаратилган тадбирлар узлуксиз амалга оширилмоқда. Сўнгги 3 йилда 317 нафар профессор ўқитувчи малака оширишда бўлгани ҳам бунинг исботидир. Уларнинг 18 нафари ривожланган давлатларда малака ошириб қайтди.

Бу каби тадбирларнинг барчаси ўқитувчиларимиз илмий ва педагогик салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Ўз олдларига улкан масқад қўйиб, илмий илмий тадқиқот олиб бораётган ўқитувчиларимиз сафи кенгаймоқда. Сўнгги 3 йилда 15та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинганлиги фикримиз далилидир. 2010 йилда 17 нафар ўқитувчи номзодлик ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида турибди. Яна кўплаб устоз мураббийлар аспирантура ва докторантурада ўқиш ва изланишни давом эттирмоқда.

Институтимизда талабаларга шу кун талаби даражасида билим бериш учун барча шароитлар яратилган. Мавжуд 36та ўқув ва илмий лаборатория хоналари, 4та лингафон синфлари лаборатория жиҳоз-



лари билан таъминланган. Замонавий компьютерлар билан жиҳозланган 20та аудитория талабалар билим ва кўникмаларини мустақамлаш, ўқув самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзаро тажриба алмашиш ва маҳоратни ошириш борасида халқаро алоқаларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Шуни ҳисобга олган ҳолда Украина Миллий техника университети, Уммон педагогика университети, Чернигов педагогика университети, Россия бирлашган ядро тадқиқотлар институти билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Улар билан ҳамкорликда қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Институтда фан ва таълим интеграциясида уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва боғлиқлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Барча факультет ва кафедраларимиз республикадаги етакчи илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатган. Ўтган йил республи-

ка фан олимпиадаси натижаларига кўра, институтимиз талабаларидан Давлат Акрамов биология фанидан 1-ўринни, Шерзод Ҳамроев материаллар қаршилиги фанидан 2-ўринни, Дилдора Баракаева физика фанидан 2-ўринни, Фароғат Кўчимова ҳам немис тили фанидан 2-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

«Истеъдод» тўғараги аъзоси, мусиқа йўналиши 3-босқич талабаси Мухлиса Қодирова «Ташаббус — 2009» республика кўрик-танловида «Энг яхши хунарманд» номинацияси бўйича голиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти савғасига сазовор бўлди. Институт фольклор ҳамда ашула ва рақс ансамбли республика педагогика институтлари ўртасидаги кўрик-танловда биринчи ўринни қўлга киритди. Талабаларимиз орасида давлат стипендиясига сазовор бўлган йигит - қизларимиз сафи ҳам кенгаймоқда. Сабоҳат Тошпўлатова Мирзо Улуғбек номидаги, Дилдора Собирова ва Озода Хусанова Навоий номидаги давлат стипендияси соҳибалари ҳисобланади. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети 2-курс талабаси Ирода Абдурахмонова Зулфия номидаги давлат мукофоти сазовор бўлди.

Институтимизда ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялашнинг муҳим гарови бўлган спорт-соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Ҳозирда 1та очик футбол майдони, 3та спорт зали, 2та қўл тўпи

майдони, 3та волейбол майдони, 3та баскетбол майдони ва очик бассейн талабалар ихтиёрида. “Талаба” спорт клуби мавжуд бўлиб, унда ёшлар спортнинг 13 тури бўйича турли секцияларда мунтазам машгулот олиб бормоқда. Бундай шароит ва имконият талабаларимизнинг кўплаб нуфузли мусобақаларда иштирок этишини таъминляпти. Талабаларимиздан Ирода Абдурахмонова, Алишер Кенжаев, Баҳром Хидиров, Баҳром Эрданаев, Жонибек Хидиров, Ойбек Бердимуродов кураш, бокс ва сузиш бўйича Ўзбекистон чемпионати ва халқаро турнирларнинг совриндорларидир.

Андижон шаҳрида ўтайдиган «Универсиада - 2010» талабалар ҳаётида унутилмас ва ўчмас из қолдириши шубҳасиз. Бу нуфузли спорт байрамида иштирок этиш ҳар бир йигит қизнинг орзу-истаги. Институтимиз спортчи-ёшларидан умидимиз катта.

Албатта, голиблар сафида бўлиш осон эмас. Энг муҳими, бу спорт байрамида талабаларимиз янги дўстлар топадилар. Зеро, спорт тинчлик элчиси. «Баркамол авлод йили»да ўтаётган «Универсиада - 2010» спорт ўйинлари ўзига хос тинчлик ва дўстлик байрами тимсолида талаба ёшлар ҳаётида ўчмас ва ёрқин саҳифа қолдиришига ишонамиз.

О.ДЎСМАТОВ,
Жиззах давлат педагогика институти ректори,
физика-математика фанлари доктори,
профессор

НАВБАТ ОЛТИН МЕДАЛГА

Талаба ёшлар ўртасида ўтказилаётган спорт мусобақалари менинг ҳаётимда ёрқин из қолдирмоқда. Шуниси қувончлики, мен 2007 йили бўлиб ўтган Универсиада мусобақаларида ҳам қатнашганман. Қизгин спорт баҳсларига бой бўлган беллашувларда 400 метрлик масофага югуриш бўйича 2-ўрин, 800 метрлик масофада эса 3-ўринни эгаллаганман. Ўтган даврда ҳаётимда спорт мусобақаларига бой бўлган ҳаяжонли лаҳзалар кўп бўлган, Марказий Осиё ўйинлари мусобақаларининг кўплаб совринларини қўлга киритдим.

Андижонда ўтаётган Универсиада - 2010 спорт мусобақаларидан умидим катта. Ҳозирда ҳисобимда кумуш ва бронза медаллари бор. Бу галги ниятим олтин медални қўлга киритишдир. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси сифатида нуфузли мусобақаларда қатнашганлигим тажриба ва маҳоратимни оширди. Айни мусобақалар ҳам маҳоратимни яна бир бор тоблаш имконини бераётгани билан аҳамиятлидир.



Павел ВДОВЕНКО,
ЖДПИ Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети IV босқич талабаси,
спорт усталигига номзод



Мен туғилиб ўсган муҳит ва оила спортчилар сулоласига мансуб. Шунинг учун ҳам болалигимдан спортчи бўлишни орзу қилар эдим. Мактабни битиргач, дастлаб Республика олимпия захиралари коллежида таҳсил олдим. Бу ерда дзюдо сирларини мукамал ўргандим. Коллежни битириб, Ўзбекистон чемпиони сифатида Жиззах давлат педагогика институти жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультетига имтиёз асосида ўқишга қабул қилиндим.

Институдagi шароит ва имконият, тажрибали устозларнинг кўрсатма ва маслаҳатлари асосида маҳоратимни янада ошириш имкониятига эга бўлдим. Қисқа вақт ичида кўплаб Ўзбекистон ва халқаро миқёсдаги беллашувларда

иштирок этдим. Дзю-до бўйича 5 марта Осиё биринчилиги, 2 марта жаҳон биринчилигида қатнашдим. Осиё ўйинлари совриндори, деган юксак номни қўлга киритдим. Шунингдек, дунёнинг турли мамлакатлари: АҚШ,

ГУРУРИМ ҲАМ, ФАХРИМ ҲАМ ВАТАН

Италия, Франция, Германия, Япония, Хитой, Тайланд, Вьетнамда ўтказилган халқаро мусобақаларнинг голиби бўлишга эришдим.

Ҳар гал мусобақаларда эришган ютуқларим шарафига мадҳиямиз янграб, давлатимиз байроғи кўтарилганда кўзларимда севинч ёшлари пайдо бўла-



ди. Шу заминда туғилиб вояга етганлигимдан бахтиёрман. Турли нуфузли мусобақаларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётганлигимдан гурурланаман.

Ҳеч қайси мамлакатда биздагидек спортга эъти-

дея олмайман. Ниятим халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилиб, юксак чўққиларни забт этишдир.

Ирода АБДУРАҲМОНОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси,
ЖДПИ Жисмоний тарбия ва маданият факультетининг 2-босқич талабаси





Мамлакатимизда спортга эътибор кун сайин кучайиб бормоқда. Ёшларимизнинг маънан, руҳан ва жисмонан баркамол бўлиб камолга етишлари учун, шунингдек, уларни узлуксиз спортга жалб этиш мақсадида бундан бир неча йил муқаддам Президентимиз ташаббуси билан яратилган уч босқичли оммавий спорт ҳаракати — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт ўйинлари ўтказилиб келинмоқда. Бунинг самараси ўлароқ жаҳон ареналарида спортчиларимиз давлатимиз байроғини баланд кўтариб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишаётир. Шу нуқтаи назардан, жорий йилда Андижон шаҳрида ўтказиладиган «Универсиада-2010» спорт мусобақаларига барча жойлардаги каби Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида ҳам қизгин ҳозирлик кўриломоқда.

Таъкидлаш жоизки, «буюк давлатни соғлом ва баркамол авлодгина қура олади» фикрига амал қилиб келаётган институтимиз жамоаси асосий эътиборни талаба-ёшларни узлуксиз равишда спорт машғулотири-

лим олаётган ҳар бир талабанинг энг катта орзусидир. Ниятлари улғу ёшларимиз орасидан республикамиз ва ўқув даргоҳимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган юзлаб ёшлар етишиб чиқмоқда. Чунончи,

ўтказиладиган кундалик машғулотлар жараёни мунтазам таҳлил қилиб борилмоқда. Айни пайтда барча спорт турлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда тажрибали мураббийлар жалб этилган бўлиб, ўқув-машғулотири пухта режа асосида олиб борилаётир.

Маълумки, спортда юксак натижага эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Олдиндан режалаштирилган имконият ва шароит омукталигидагина жаҳон шохсупаларини забт этиш мумкин. Шу маънода спортни ривожлантириш мақсадида институтда 4та баскетбол, 4та волейбол, 1та кичик футбол майдончаси, 1та қўл тўпи майдончаси, 2та спорт зали, тренажерлар билан тўлиқ таъминланган янги, замонавий гимнастика мажмуаси спортчи-ёшларга узлуксиз хизмат қилмоқда. Институтда 12та спорт секцияси ва факультет-

Спортга бўлган диққат-эътиборни янада тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида институтда мунтазам равишда белгиланаётган «Маънавият кунлари»да теннис бўйича институт биринчилиги, табиатшунослик факультетида футбол, тарих факультетида мини футбол, филология факультетида қизлар ўртасида баскетбол, жисмоний

муассасасининг шарафини ҳимоялашдек катта масъулиятни ҳис этмоқда. Айтиш мумкинки, мана шунинг ўзиёқ спортчи ёшларимизни Универсиада тафтини ҳис қилиб яшашга, курашишга ундамоқда.

Дарҳақиқат, Универсиада каби спорт ўйинлари келгусида спортда юксак натижага эри-



ЯНГИ ЮЛДУЗЛАР КАШФ ЭТИЛАДИ



га жалб этишни таъминлаш, уларни соғломлаштириш, оммавий спорт ишларини жаҳон талаблари даражасида такомиллаштириш, спортнинг оммавий, олимпия ва миллий турларини ривожлантиришга қаратиб келмоқда. Бундан кўзда тутилган аниқ мақсад — ёшларнинг шахс фатида камол топиши учун иродасини мустаҳкамлаш, жамоа бўлиб ғалабага интилишларини камол топтириш ва шу тарзда уларни эл-юрт манфаатига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялашдан иборат. Яна шуниси ҳам аёнки, ёшларимизнинг маънан етуклиги, жисмонан бақувват ва баркамоллиги, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларидаги истеъдоди, куч ва имкониятларини ривожлантиришда спортнинг ўрни беқиёсдир.

Мана шундай яратилган имкониятдан оқилона фойдаланаётган институтимиз талабалари нафақат Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон миқёсида, балки халқаро мусобақаларда ҳам муносиб қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишаёпти.

Илк бор Ўзбекистонда асос солинган ва андозаси ҳеч бир давлатда кузатилмаган бундай нуфузли мусобақаларда иштирок этиш олий ўқув юртида таъ-

Ташкент шаҳрида ўтказилган «Универсиада-2007» спорт ўйинларида институтимизда спортга ошурта ёшлардан жами 41 нафар талаба спортнинг 9 тури бўйича иштирок этган бўлса, шулардан, волейболчи қизлар жамоаси 1-ўринни, спортнинг дзюдо тури бўйича 1 нафар талабамиз 3-ўринни, баскетбол бўйича 3-ўринни, футбол бўйича 4-ўринни эгаллаб, умумжамоа ҳисобида 5-ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Айниқса, ўша йили йигитлар билан тенгма-тенг ғалаба учун кураш олиб борган спортчи қизларнинг хатти-ҳаракатларига барча қойил қолган эди. Албатта, спортчи ўғил-қизларимизнинг олдинги мусобақалардаги ғалабаси уларни бундан буён янада ғайрат билан машқ қилишга чорлаб туради.

Бугунги кунда институтда Андижон шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги «Универсиада» мусобақалари финал босқичида муваффақиятли иштирок этиш учун спортчиларга барча шарт-шароитлар яратилган. Бу сафарги мусобақанинг ҳар жиҳатдан юксак савияда ўтказилиши режалаштирилаётгани ўз навбатида шунга яраша муносиб тайёргарликни тақозо этмоқда. Шу боис, спорт турлари бўйича

ларда оммавий спорт тўғрқалари фаолият кўрсатаётир. Уларга жами 1183 талаба жалб этилган. Шундан 304 нафарини талаба-қизлар ва 879 нафарини талаба-йигитлар ташкил этади. Улар тажрибали устоз ва мураббийлардан Озод Казаков, Жамолатдин Бекмуратов, Аскар Ниёзов, Қонис Болмуродов, Аман Утепбергенов, Арзубой Жуманов, Бахт Тлеўов, Нурғабул Давлетияров, Абил Ниязов каби ҳақиқий спорт усталари билан биргаликда ўз маҳоратларини ошираётдилар. Маҳалла болалари жисмоний тарбия билан мунтазам ошно бўлишлари учун ҳам ўзаро шартнома тузилиб, жами 4 спорт секцияси фаолият кўрсатиб, уларда маҳаллалардан 33 нафар ёшлар шуғулланмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, бу борадаги фаолият самараси ўлароқ ўтган йиллар давомида спортчи талаба-ёшларимиз бир қатор ютуқларни қўлга киритди. Чунончи, 2009 йил сентябрь ойида институтнинг футбол бўйича терма жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси кубоги соҳиби бўлди. Шунингдек, шу йилнинг ноябрь ойида Жиззах шаҳрида бокс бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида жисмоний тарбия факультети талабаси И.Турсинбоев 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. 2009 йилнинг ноябрь ойида Нукус шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси педагогика институтлари талаба-қизлари орасида волейбол бўйича беллашувда институт қизлар терма жамоаси ғолибликни қўлга киритганини таъкидлаш жоиз. Ёки ўтган йилнинг 5-10 декабрь кунларида Тошкент шаҳрида волейбол бўйича қизлар ўртасида ўтказилган XI Ўзбекистон кубоги мусобақаларида ҳам институт терма жамоаси 2-ўринни эгаллашга муяссар бўлди.

тарбия факультетида кураш, мактабгача таълим ва бошланғич таълим факультетлари қизлари ўртасида баскетбол ва теннис, чет тиллари факультети талаба-қизлари ўртасида волейбол, физика-математика факультетида футбол бўйича факультет биринчилиги мусобақалари ташкил қилинмоқда. Айниқса, «Баркамол авлод йили» ва Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан энгил атлетика бўйича Республика миқёсида ўтказилган марафонда ҳам институт жамоаси етакчиликни қўлдан бой бермади. Албатта, бу каби тадбирлар талаба-ёшларнинг спортга бўлган қизи-

шишда, ёшлар орасидан юртимиз шарафини халқаро спорт майдонларида муносиб ҳимоя қиладиган юзлаб спортчи-ёшларнинг етишиб чиқишига замин яратмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Универсиада ўйинлари ҳам азму шижоат ва қатъийлик, холислик ва ҳалоллик, ўз рақибига ҳурмат, бир сўз билан айтганда, ғалабага бутун борлиги билан интилиши ва бағрикенглик туйғуларини намоеён этадиган чинакам кураш майдони»дир. Ана шу кураш майдонида мустақил давлатимиз фарзандлари спортнинг турли йўналишлари бўйича ўзаро куч синашиб, ўз вилояти,



қишлари юксалишига замин яратмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Андижон шаҳрида бўлиб ўтадиган «Универсиада-2010» спорт ўйинлари ёшлар учун шунчаки оддий спорт мусобақаси бўлмай, балки ёшлик ва навқиронликнинг ҳақиқий байрамига айланса не ажаб. Бунинг турли номинациялар бўйича ғолибликка интилаётган ёшларимиз чехраларидан ҳам пайқаш мумкин. Айни кунларда «Универсиада» ўйинларига қизгин тайёргарлик кўраётган спортчи-талабаларимиз ўзлари таҳсил олаётган олий таълим

олий ўқув юрти обрўсини шараф билан ҳимоя қиладилар. Умуман, бу йилги «Универсиада-2010» спорт мусобақалари шижоатли ёшларимизга катта таассурот ҳадя этиш билан бирга, талабаларимизнинг юлдузли онлари сифатида бир умрга қалбларида муҳрланиб қолиши шубҳасиз.

Мурат БЕРДИМУРАТОВ,
Ажиниёз номидаги
Нукус ДПИ
ректори,
Қорақалпоғистон
Республикаси
Жўқорғи Кенгеси
депутати





«2010 йил — Баркамол авлод йили»



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI “O‘QUV TA'LIM-TA'MINOT” davlat unitar korxonasi

«Универсиада-2010» спорт анжумани қатнашчиларини,
ёшларимизни ушбу беллашувларга тайёрлаган
барча мураббийларни самимий муборакбод этамиз!
Мусобақаларда барчангизга омад ва зафарлар тилаймиз!
Ҳалоллик, мардлик, жасорат туйғулари сизларни тарк этмасин.



АСОСИЙ ТАЛАБ — ИШОНЧНИ ОҚЛАШ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабалари ҳам мамлакатимиздаги уч босқичли спорт мусобақаларининг юқори бўғини бўлган “Универсиада” мусобақаларида фаол иштирок этиб, ўзига хос натижаларни қўлга киритмоқда..

Хусусан, олий ўқув юртининг икки нафар талабаси Наманган шаҳрида бўлиб ўтган “Универсиада-2000” мусобақаларида қатнашишга муяссар бўлишди. Талабаларимиз теннис ва енгил атлетика турлари бўйича Тошкент шаҳри жамоасининг юқори ўринларни эгаллашига ҳисса қўшишди. “Универсиада-2002” Бухоро шаҳрида ташкиллаштирилган мусобақаларда талабаларимиз енгил атлетика, катта теннис, баскетбол, футбол, волейбол бўйича Тошкент шаҳрининг 2-, 3-терма жамоалари сафида муносиб қатнашдилар.

Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Универсиада-2004” мусобақаларида Тошкент-1 қўл түпи терма жамоаси сафида талабаларимиздан Р.Ҳабибуллаев иштирок этиб, олтин медални қўлга киритди. Тошкент-2 терма жамоаси сафида енгил атлетиканинг найза улоқтириш турида В.Зуворов иккинчи ўринни эгаллади. Бундан ташқари, ёшларимиз волейбол, футбол, қўл түпи мусобақаларида Тошкент шаҳри олий таълим муассасаларининг 3-терма

жамоаси сафида иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллашда ўз хиссаларини қўшдилар.

“Универсиада-2010” спорт мусобақаларининг саралаш босқичида 11 спорт тури бўйича олий ўқув юрти факультетлари жамоалари иштирок этди. Мусобақаларда мингга яқин талаба қатнашиб, ўз факультетларининг юқори ўринларни эгаллаши учун бор маҳоратларини ишга солдилар.

Сўнги саралаш мусобақаларида университетнинг икки нафар талабаси муваффақиятли иштирок этди. Енгил атлетиканинг уч хатлаб сакраш тури бўйича 2-курс талабаси Ю.Дошинская ҳамда чалқанча сузиш бўйича 3-курс талабаси Е.Маматкулова биринчи ўринни эгаллаб, “Универсиада-2010” финал мусобақаларига йўлланма олди.

Андижон шаҳрида ўтказилган “Универсиада-2010” финал мусобақаларига тайёргарлик жараёнлари Республика Олимпия захиралари коллежи, Юнусобод сув ҳавзасида ташкиллаштирилиб, спортчиларнинг мунтазам тайёргарлик кўришлари учун шарт-шароитлар яратиб берилди.

Мақсадимиз бир: бизга билдирилган юксак ишончни оқлаб Андижонда юқори ўринларнинг бирини эгаллаймиз, деган умиддаман.

Мухтор ШОАЛИМОВ,
ЎзДЖТУ Жисмоний маданият кафедраси мудири

Сувда балиқларгина ўзини эркин ҳис қилади, деган фикр унчалик тўғри эмас. Сузиш мусобақаларида спортчиларнинг енгил ва чаққон ҳаракатларини кўргач, бунга амин бўлишингиз мумкин. Гўёки сув парилари ҳақидаги афсоналар ҳаётда ўз аксини топгандек.

“СУВ ПАРИСИ”

1990 йил 17 сентябрда туғилган **Екатерина Маматкулова** болалигидан ҳаракатчан ва қизиққон, мақсадлари сари интилишдан чарчамайдиган қизалоқ эди. 10 ёшида сузиш тўғрагига қатнай бошлади.

2002 йили у ўз имкониятларини илк бора катта мусобақада синаб кўрди. Бу МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари ёшлари ўртасидаги беллашув эди. Кейин эса кетма-кет ғалабалар ва фахрланса арзийдиган натижалар Екатеринбургнинг ҳамроҳига айланди. Шунингдек, буларнинг ортида тинимсиз меҳнат ва мураббийи А. Решетова(сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийси)нинг кўрсатмалари ва мустақкам иродаси турибди.

Екатерина Германияда ўтказилган клублар ўртасидаги мусобақаларда яқка сузиш ва эстафета бўйи-

ча учинчи ўринни қўлга киритди. 2006 йили Дохада бўлиб ўтган Осиё ўйинларида иштирок этди. 2007 йили эса Австралияда, сузиш бўйича жаҳон чемпионатида қатнашиш бахтига муяссар бўлди. Спортдаги муваффақиятлар билан чекланишни истаманган Екатерина айна пайтда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида таҳсил олмоқда.

— Навбатдаги марра “Универсиада-2010”, — деди Екатерина. — Ушбу мусобақада ҳам тўплаган тажрибаларимни амалда кўрсатишга ҳаракат қиламан. Мухими — ғалабага бўлган ишонч. Агар бу ҳиссиёт сизни тарк этмаса, ҳаётда жуда катта ютуқларни қўлга киритиш мумкин.



УНИВЕРСИТЕТ ФАХРИ

1989 йили Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида таваллуд топган **Юлия Дошинская** 2004 — 2008 йилларда Олимпия захиралари коллежида таълим олди. Ҳозирда ЎзДЖТУ талабаси.

— Ҳаётимдаги энг улкан ютуғим — енгил атлетикага бўлган қизиқишим. Ушбу спорт тури ҳақидаги илк тўлиқ тасавурларим ёшлигимдан шаклланди ва енгил атлетика билан шуғулланишни бошладим. Мусобақалар мени кўп нарсга, жумладан, мағлубиятни табассум билан қарши олишга, ғалабалар масъулиятини ҳис қилишга ўргатди, — деди Юлия.

Ю.Дошинская 2005 йили ўсмирлар ўртасида ўтказилган Республика мусобақаларида иккинчи, 2006 йили Тошкент шаҳар кубогида эса биринчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, Ўрта Осиё миқёсида ўтказилган ўйинлар, Олимпия захиралари коллежи, Куролли кучлар чемпионати, Ўзбекистон биринчилиги каби мусобақаларда юқори натижаларга эришиб, мураббийлар ишончини оқлаб келмоқда.

2008 йили Нукус шаҳрида бўлиб ўтган “Баркамол авлод-2008” беллашувларида у узунликка сакраш бўйича 5.05 сантиметр кўрсаткич билан 3-ўрин-

ни қўлга киритди. Юлияга мураббийлик қилиб келаётган ЎзДЖТУ жисмоний маданият ва спорт кафедраси катта ўқитувчиси С. Добробובה унинг жуда қайсар ва таваққалчи қиз эканлигини айтиди. Ким билади, балки айнан мана шу феъли туфайли Юлия 2010 йилги ёпиқ залда ўтказилган Ўзбекистон чемпионати мусобақаларида уч хатлаб сакраш бўйича иккинчи, узунликка сакраш бўйича эса учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлгандир. Юлияга «Универсиада-2010»да ҳам муваффақиятли қатнашиб, зафар кучини тилаймиз.

Ш.НАМОЗОВ





ЎЗБЕКИСТОН «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ

қалбларида ватанга меҳр, яратишга кучли иштиёқ жўш ураётган, ўз муносиб саъй-ҳаракатлари билан муқаддас неъмат, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида фидойи ёшлар вакиллари - «Универсиада-2010» мусобақалари иштирокчиларини ушбу тантана билан самимий муборакбод этади. Навқирон йигит-қизларимиз - Ўзбекистон фарзандларининг нафақат юртимиз майдонларида, жаҳон саҳнида ҳам эришган улкан ғалабаларидан ғурур ва фахрга тўлиб юриш ҳар биримизга насиб этсин.



ИСТЕЪДОД ЭЪТИБОРДАН ҚУВВАТЛАНАДИ

Андижонда ўтказиладиган «Универсиада - 2010» спорт мусобақаларига Наманган муҳандислик-педагогика институти талабалари ҳам қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Институтда жисмоний тарбия бўйича мутахассис тайёрланмаса-да, «Универсиада» мусобақалари жорий этилганлиги туфайли спортчи-талабалар сони кескин ортиб борапти. 2007 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган мазкур спорт байрамида институт талабалари волейбол, стол тенниси ва шахмат бўйича эришилган натижалар билан вилоят терма жамоаси жамғармасига умумжамоа ҳисобида муҳим очколар қўшишди.

Бу йилги Универсиада мусобақалари «Баркамол авлод» йилида ўтказилганлиги туфайли баҳсларнинг қизиқарли курашларга бой бўлиши кутилмоқда. Спортчи-талабаларимиз спортнинг волейбол, стол тенниси ва шахмат турлари бўйича тайёргарликни бир йил олдиноқ бошлаб юборишганди.

Институт раҳбарияти томонидан ҳар галгидек талабаларга аъло даражада шароитлар яратиб берилди. Спортнинг ҳар учала тури бўйича талабалар вилоят ва Республика мусобақаларида мунтазам

бол бўйича мураббий Аваз Шарипов Самарқанд ва Тошкент шаҳрида ўтказилган «Универсиада» мусобақаларида вилоят терма жамоасига мураббийлик қилиб, жамоанинг юқори ўринларга кўтарилишига ҳамда Республика мусобақаларида муваффақиятли иштирок этишига ўз ҳиссасини қўшганди. Стол тенниси бўйича мураббий Шухрат Мақуловнинг шоғирдлари ҳам вилоят миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятга эришмоқда. Шахмат бўйича мураббий Абдусаттор Холмирзаев вилоят терма жамоасининг «Универсиада» мусобақаларида 2 марта совринли ўринларни эгаллашига ҳисса қўшди.



Универсиада мусобақаларида иштирок этадиган ёш шахматчиларнинг барчаси уч босқичли спорт тизимининг қуйи босқичларида иштирок этишган. Жумладан, Яна Кўчқорова ва Маҳмуда Маматова 2003

йили «Умид ниҳоллари ва 2005 йили «Баркамол авлод» мусобақаларининг Республика босқичида иштирок этган бўлса, Ўткир Ҳақимов ва Ўктамхон Абдуллаева 2008 йили Нукус шаҳрида ўтказилган «Баркамол авлод» ўйинларида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган. Руслан Маъмуров ҳам 2005 йилги

иштирок этди. Ҳар бир мусобақа олдиан ўқув-йигин машғулоти ташкил қилиниб, уларнинг юқори натижаларга эришишлари учун барча имкониятлар яратилди. Жумладан, институтнинг волейбол жамоаси Республика «Талаба спорт уюшмаси» томонидан ташкил этилган Республика мусобақаларида муваффақиятли қатнашаётган бўлса, ёш шахматчиларимиз ҳам вилоятнинг кучли жамоалари сафидан ўрин олишга улгурди.

Жамоамиз таркибида умидли спортчилар кўп. Жумладан, шахматчи қизлар орасида Янгиқўрғон туманининг Фовазон қишлоғида туғилиб ўсган Маҳмуда Маматова Республика шахматчилари орасида ўз ўрнига эга. Маҳмуда бу сафарги «Универсиада» мусобақаларида янада юқорироқ чўққиларни кўзламоқда. У келажакда ўз йўналиши бўйича етук мутахассис бўлиш билан бирга, спорт соҳасида ҳам муваффақиятларга эришиш ҳамда ўзи истиқомат қилаётган қишлоқда ушбу ақл гимнастикасини янада ривожлантиришга кўмаклашиш ниятидадир.

Талабаларни бўлгуси мусобақаларга тайёрлашда тажрибали мураббийлар меҳнат қилишяпти. Жумладан, волей-



«Баркамол авлод» ўйинларининг иштирокчисидир.

Жорий йилда ўтказиладиган «Универсиада» мусобақалари қизиқарли курашларга бой бўлиши билан бирга янги-янги истеъдодларни кашф этишига аминмиз.

И.РАҲИМОВ,
Наманган муҳандислик-педагогика институтининг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича 1-проректори, доцент





УНИВЕРСИАДА – ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ ИФТИХОРНИ КУЧАЙТИРАДИ

Маълумки, мунтазам равишда мамлакатимизда ёш авлодга таълим ва тарбия бериш жараёнлари билан боғлиқ равишда спортга бўлган эътибор ҳам ортиб бормоқда. Айниқса, Президентимизнинг ёшлар ўртасида спорт турларини кенг ривожлантириш, болалар спортини янада такомиллаштириш борасидаги қарор ва фармойишларнинг ҳаётга изчил тадбиқ этилиши ўғил-қизларимизни ҳар томонлама етук, бақувват қилиб вояга етказишда кенг имкониятлар яратди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт ўйинлари нафақат ёшларни жисмоний маданият ва спорт турларига қизиқишини шакллантириш, балки уларнинг миллий ғурурини орттириш, жойларда оммавий спортни ривожлантириш, шу орқали ёшларимизнинг аниқ мақсад йўлида жипслашишига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўтган йиллар давомида бўлиб ўтган “Универсиада” мусобақаларида олий таълим муассасалари талабалари орасидан юзлаб чемпионлар сараланди. Минглаб ёш иштирокчилар ўз маҳоратларини оширдилар. Юртимизнинг турли



бурчакларида мазкур мусобақалар муносабати билан қатор спорт иншоотлари, мажмуалар, сузиш бассейнлари, замонавий майдончалар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундай иншоотлар бугунги кунда ёшларга беминнат хизмат кўрсатиб келаётди.

“Универсиада”да ўзларининг муваффақиятли иштироки билан Навоий давлат кончилиги институтини талабалари ҳам алоҳида ажралиб туради.

Мусобақаларда ҳар гал ўртача 50 нафардан ортиқ талаба иштирок этиб келади. 2002 йили Бухоро шаҳридаги

мусобақаларда институт спортчилари сузиш бўйича 1 та бронза ва 3 та кумуш медалини, 2004 йил Самарқанд шаҳридаги беллашувларда 1 та олтин, 1 та бронза, 2007 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган мусобақада эса бешта олтин, олтин бронза, саккизта кумуш медаллари қўлга киритилди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, 2007 йилда ўтказилган мусобақалар институтимиз жамоаси учун анча омадли келди.

Бу йил ҳам талабаларимиз мусобақаларнинг финал босқичида юқори натижаларга эришишга ҳаракат қилишмоқда.

Институтда бунинг учун барча шарт-шароитлар етарли. “Жисмоний маданият” кафедрасига қарашли спорт хоналари ва заллари, тренажёр зали, 2 та теннис корти, баскетбол, қўл тўпи, волейбол, кичик футбол ўйинлари учун мўлжалланган спорт майдонлари, 2 та кўкаламзорлашти-

рилган футбол майдони, кичик сув ҳавзаси улар ихтиёрида. Ушбу майдонларда жисмоний маданият дарслари ва мусобақаларга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилаётди. Бундан ташқари, “Навоийазот”га қарашли “Кимёгар” ўйингоҳи, НКМКга қарашли “Сўғдиёна” ўйингоҳи, сув ҳавзаси ва спорт саройларида ташкил қилинган тўғарақларда ҳам институтимиз талабаларига етарли шароитлар яратилган.

Буларнинг барчаси ёшларни спортга кенг жалб қилиш, улар орасидан тажрибали ва маҳоратлиларни танлаб олиш, уларни турли даражадаги мусобақаларда чиниқтириб, келгусида халқаро мусобақаларда ҳам мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қила олишга қодир иродали, ғурурли спортчи қилиб тарбиялашга қаратилгандир.

Ўткир НОСИРОВ,
Навоий давлат кончилиги институтининг ректори



МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК САРИ

Ёш авлодни баркамол авлод қилиб тарбиялаш борасида ўзига хос тажриба шаклланди. Айниқса, уларнинг мукамал билим олишида «Таълим тўғрисида»ги қонун, Қаррлар тайёрлаш миллий дастурининг изчил ҳаётга татбиқ этилаётгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Ёшларимизга ўз билим-заковатлари, истеъдоди, ақлий етуқлиги ва ҳар соҳада ўз салоҳиятларини намоён этишлари учун кенг имкониятлар яратилган.

Таъкидлаш жоизки, баркамол авлодни тарбиялашда миллий юксалиш ва мамлакатимизнинг маънавий етуқлиги муҳим жиҳатларини ўзида акс эттирган ахлоқий тарбия масалалари алоҳида назарда тутилди.

Демак, ёшларимиз нафақат маънан етук инсон бўлиб тарбияланишлари, балки жисмонан баркамол, соғлом ва руҳан тетик инсон сифатида шаклланишлари шарт. Бундай фазилатларга эришишда жисмоний маданият ва спортнинг ўрни беқиёсдир.

Тарбияда илм ва ахлоққа, спортга кенг ўрин берилар экан, албатта, бу жараённинг улар вояга етиб жамиятнинг мустақил аъзоларига айлангунга қадар узлуксизлигини таъминлаш масаласи ҳам алоҳида эътибордаги вазифадир.

Қаррлар тайёрлаш миллий дастури



балки яратувчанлик, жисмоний баркамоллик ҳам талаб этилади.

Буни эътиборга олган ҳолда, талабалар ҳаётида маънавий-ахлоқий масалаларда жисмоний маданият ва спортнинг устуворлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Масалан, ёшларнинг бўш вақтларида спорт турлари билан шуғулланишлари учун алоҳида имтиёзлар ва имкониятлар, тегишли шарт-шароитлар яратилган. Спорт ва жисмоний тарбия тўғарақларида олиб борилаётган машғулотлар, талабалар турар жойидаги машғулотлар самардорлиги назоратга олинган бўлиб, жараёнга ёшлар билан ишлаш кўникмаларига эга, юқори маънавият мутахассислар жалб этилган.

Бунинг самараси ўлароқ, ўтган йиллар давомида институтда 30 га яқин спорт турлари бўйича жаҳон чемпионати совриндорлари, олимпия ва республика мусобақалари чемпионлари ва совриндорлари, “Универсиада” спорт ўйинлари ғолиблари кашф этилди.

Холмамат РАУПОВ,
маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича 1-проректор



Навоийлик кўлаб ёшлар, институтимиз спортчи-талабалари республика таркибида республика ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида ҳам иштирок этиб, бир қатор ютуқларни қўлга киритиб келишмоқда. Ана шундай ёшлардан бири, Навоий давлат кончилиги институтининг талабаси Пётр Ромашкин.

У ёшлигидан спортнинг сузиш тури билан мунтазам шуғулланиб, ҳозирда спорт усталигига номзод даражасига эришди. Пётр Ромашкин 2007 йили Хитой Республикасининг Шанхай шаҳрида сузиш бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 2-,3-ўрин, Россияда ўтказилган қишқи чемпионатда 1-,2-ўрин, Қозоғистон биринчилиги учун бўлган беллашувларда 1-,2-ўрин, Белоруссия чемпионатида 1-,2-ўринни эгаллади. Булардан ташқари 2007 йил март ойида Австралида ўтказилган жаҳон биринчилиги ҳамда XXIX ёзги Олимпия ўйинлари иштирокчиси. У бир неча бор Ўзбекистон рекордини янгилади.

Бугунги кунда институтда таҳсил олаётган ёшлар орасида П.Ромашкин каби қатор халқаро мусобақалар ғолиблари тарбияланмоқда.

БИЗНИНГ ЧЕМПИОНЛАРИМИЗ

Мисолларга мурожаат этамиз: сузиш бўйича 2007 йил Шанхай шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида 2-,3 ўринни, 2007 йил сузиш бўйича Қозоғистон биринчилигида 1-ўринни эгаллаган Ўзбекистон биринчиликларининг бир неча бор совриндорлари, “Универсиада—2007” мусобақаси ғолиблари Даниил Тулупов ва Иброҳим Назаров, МДХ миқёсида сузиш бўйича ўтказилган халқаро мусобақалар совриндори Артур Қунақбаев, қўл тўпи бўйича 2009 йил ноябрь ойида Санкт-Петербургда ўтказилган МДХ давлатлари биринчилигида 2-ўрин ва Ўзбекистон биринчиликлари совриндори, “Универсиада—2007” мусобақасининг энг яхши ўйинчиси, 2006 йил Доха шаҳрида ўтказилган 15-Осиё ўйинлари иштирокчиси Анастасия Мустафаева ва Кристина Офицерова, қиличбозлик бўйича 2007 йил Осиё биринчилиги ғолиби Александр Филинов, армрестлинг бўйича Осиё чемпиони, 2008 йил Жаҳон чемпионати бронза медали соҳиби Рустам Қодиров, Ўзбекистон биринчиликларининг бир неча бор ғолиби ва Осиё чемпионатининг иккита олтин медаллари соҳиби Мақсуд Долиев, армрестлинг бўйича Ўзбекистон биринчиликларининг бир неча бор ғолиби Эльвина Мустафина, қўл жанги бўйича Осиё биринчилигида 1-ўринни эгаллаган Шерали Абдурайимов, қўл жанги бўйича Осиё биринчилиги ғолиби Мироншоҳ Ғуломов, баскетбол бўйича Ўзбекистон биринчиликлари совриндори Геннадий Зиновьев, Вячеслав Белакуров, Григорий Русяев, Иван Зиновьев, Азиз Раҳмонов, Гўзал Умарова, оғир атлетика бўйича Ўзбекистон биринчилиги совриндори ва 3 карра Осиё чемпиони Сергей Гасс, футбол бўйича “Қизилқум” жамоаси таркибида ўйнаётган Ўзбекистон олий лига биринчилиги иштирокчиси Шерали Жўраев, енгил атлетика бўйича Ўзбекистон биринчилигининг бир неча бор ғолиби Алия Уразбаевалардир.

Биз ёшларимизнинг бундай ютуқлари билан фахрланамиз ва уларга келгусидаги зафарли одимларида муваффақиятлар тилаймиз.

Фарход РАҲМОНОВ,
жисмоний маданият кафедраси мудири



Юрти- мизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласига

устувор вазифа сифатида қаралаётир. Қатор йиллардан буён ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари бунинг ёрқин далилидир.

«Универсиада-2010» спорт ўйинлари бу сафар Андижон вилоятида ўтказилмоқда. Бу ерда бундан етти йил муқаддам «Баркамол авлод» мусобақалари кўтаринки руҳ билан ўтказилганлиги ҳали ҳаммамизнинг ёдимизда.

Барча олий ўқув юртлири каби Кўқон давлат педагогика институтида ҳам «Универсиада-2010» спорт мусобақаларининг финал босқичида қатнашиш учун пухта тайёргарлик кўрилди. Беллашувларда нуфузли ўринларни олиш эса ҳар бир талабамизнинг энг катта орзу-умиди.

УМИДИМИЗ КАТТА

Мазкур беллашувларга тайёргарлик борасида дастлабки мусобақалар олий ўқув юрти талабалар турар жойларида истиқомат қилаётган ёшлар ўртасида ўтказилди. Кейин эса гуруҳларда бўлиб ўтди. Сўнгра гуруҳлараро ва факультетлараро беллашувлар уюштирилди. Айниқса, институт биринчилиги учун ўтказилган волейбол мусобақаси узоқ вақт ҳаммамизнинг ёдида қолса керак.

Спортнинг бошқа турлари бўйича бўлиб ўтган беллашувларда ҳам талаба-ёшлар фаол бўлишди. Бунда сўзсиз эпчиллик, чаққонлик, дўстлик ва маҳоратлилик устун келди. Голиблар махсус совринлар билан мукофотланди.

«Универсиада-2010» спорт ўйинларининг иккинчи босқичи Фарғона шаҳрида ўтказилиб, унда ҳудудий босқичда голиб чиққан вилоят олий ўқув юртлири талабалари ўзаро беллашишди. Бу мусобақаларда институтнинг энг абжир ва жисмонан соғлом йигит-қизлари иштирок этди.

Қизгин беллашувлар остида ўтган мазкур маҳорат кўригида энгил атлетикачиларимиз ва волейболчиларимизга омад кулиб боқди. Улар «Универсиада-2010»да иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Хусусан, жисмоний тарбия факультети магистранти, спорт устаси Екатерина Тунгускова 800 метр масофага югуришга 2 дақиқаю 14 сония ва 1500 метрга эса 4 дақиқаю 25 сония вақт сарфлаб, марра чизигига биринчи бўлиб етиб келди. 100 ва 200 метр масофага югуришда жисмоний тарбия факультетининг 3-босқич талабаси Сафар Алиёровга ҳеч ким тенг кела олмади. 400 метр масофага югуришда Зикрилло Маматқулов, 800 ва 1500 метр масофага югуришда ака-ука Ҳасан ҳамда Хусан Эргашевлар голиб чиқиб, рақибларини доғда қолдирдилар. 5 километр масофани 16 дақиқаю 59 сонияда босиб ўтган жисмоний тарбия факультети 4-босқич талабаси Хуршид Аве-

зов ҳам марра чизигига биринчи бўлиб етиб келди.

Турли масофаларга югуриш бўйича ўтказилган эстафета ўйинлари ҳам муваффақиятли ўтди. Унда ҳам ака-ука Ҳасан ва Хусан Эргашевлар, уларнинг курсдошлари Ҳабибулло Абдуллаев ва Зикрилло Маматқулов ҳамда Мурод Тўракулов, Абдушукур Жўраев, Солижон Худойбердиев, Сафар Алиёровлар голиб чиқдилар.

Баландликка ва узунликка сакраш беллашувлари янада қизиқарли ўтди. Унда жисмоний тарбия факультетининг 3-босқич талабаси Гулҳумор Тожибоева бор маҳоратини ишга солиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади. Унинг курсдошлари Мафтуна Шокирова, филология факультетининг хорижий тиллар йўналиши 2-босқич талабаси Елена Кулагина ҳам энг юқори натижаларга эришишди.

Волейбол бўйича ўғил ва қиз болалар жамоалари ўз ўйинлари билан ҳаммани мафтун этди.

Педагогика факультети талабаларидан Зулфия Турдалиева, Дилнавоз Бегматова, Озода Маъмурова ва Феруза Бобоҳўжаева 100, 200, 400 ҳамда 800 метр масофага югуришда, филология факультетининг хорижий тиллар йўналиши 1 босқич талабаси Олима Тешабоева 1 километр масофага югуришда, жисмоний тарбия факультети 3-босқич талабаси Солижон Худойбердиев ядро иргитишда, тарих факультети 1-босқич талабаси Замира Абдурахмонхўжаева эса узунликка сакрашда иккинчи ўринга сазовор бўлишди.

Беллашувларда голиб чиққан талабалар вилоят терма жамоаси таркибига қабул қилинди. Улар энди Андижон вилоятида бўлиб ўтадиган беллашувларда вилоят, қолаверса, Кўқон шаҳри ва институти- миз спорти шарафини ҳимоя қиладиган бўлишди.

Валижон МАҲМУДОВ,
Кўқон давлат педагогика институти ректори

ҚЎҚОН ЮЛДУЗЛАРИ

Институтимизнинг жисмоний тарбия факультетида спорт юлдузлари кўпчиликни ташкил этади. Улар яхши баҳоларга ўқишлари ва жамоат ишларида фаол иштирок этишлари билан ажралиб турадилар. Мусобақаларда эришган катта ютуқлари эса олий ўқув юрти обрўсини янада оширмоқда. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Екатерина Тунгускова, ака-ука Ҳасан ва Хусан Эргашевлар, Зикрилло Маматқулов, Хуршид Авезов, Мафтуна Шокирова ва бошқа талабалар ҳамда магистрантлар ана шундай спортчиларимиздандир.

Яқинда Тошкентда энгил атлетика бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Бу нуфузли мусобақада республикамизнинг кучли спортчиларидан ташқари Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикаларидан ҳам энгил атлетикачилар иштирок этишди.

Қизгин беллашувлар остида ўтган республика очиқ чемпионатида Екатерина Тунгускова 800 метр масофага югуришда 2 дақиқаю 13 сония, 1 минг 500 метр масофани босиб ўтишда 4 дақиқаю 24 сония натижаларга эришиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади ва қўш олтин медалга сазовор бўлди.

Ҳасан Эргашев 800 метр масофани 1 дақиқаю 56 сонияда босиб ўтган бўлса, Хусан Эргашев эса 1 минг 500 метр масофани 3 дақиқаю 59 сонияда забт этди. Улар ҳам биринчи ўринни эгаллаб, олтин медалга сазовор бўлдилар.

Ҳакамлар ва беллашув иштирокчиларининг таъкидлашларича, мазкур мусобақа «Универсиада - 2010»га тайёргарлик бўлди.



беллашувларида олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишларини кутиб қоламиз.

Равшанбек РАСУЛОВ,
жисмоний тарбия факультети декани



Екатерина ТУНГУСКОВА, жисмоний тарбия факультети магистранти, Ўзбекистон ва Осиё чемпиони, Франция, Бельгия, Швейцарияда ўтказилган жаҳон чемпионатлари иштирокчиси:

— Спорт ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланди. Қаерда ва қандай мусобақаларда бўлмасин мен энг аввало, институтимиз шарафини, Ватанимиз шаънини кўз олдимга келтириб беллашаман. Бу йилги «Универсиада» ўйинларида иштирок этаётганимдан ниҳоятда мамнунман. Умидим катта — олтин медалга даъвогарман.

Мафтуна ИСКАНДАРОВА, жисмоний тарбия факультети 2-босқич талабаси, уч карра Ўзбекистон чемпиони, Халқаро турнир голиби:

— Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кейинги йилларда спортга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларида спортни ривожлантириш, спорт клублари, тўғарақлари фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ижобий натижалар бизни қувонтиради. Яқиндагина Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ жойларда хотин-қиз спортчилар билан шуғулланидиган аёл мураббийлар фаолиятини такомиллаштириш, уларга етарли шарт-шароитлар яратиш борасида айтган фикрлари мени нафақат қувонтирди, балки кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди. Бу биз ёшлар зиммасига

юклатилган катта масъулият эканлигини яхши англайман. Шу боис бундай ишонччи доимо аъло даражада оқлашга ҳаракат қиламан.



Хуршид АВАЗОВ, жисмоний тарбия факультети 4-босқич талабаси, 2000, 3000, 5000 метр масофага югуриш бўйича Ўзбекистон чемпиони:

— Андижонда ўтадиган беллашувлар ниҳоятда қизгин кечади. Чунки, мусобақалар йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Иштирокчиларнинг салоҳияти ҳам ортиб бораёпти. Шу боис, ҳар бир турдаги беллашувлар спортчилардан алоҳида масъулият, куч, билим ва ғайратни талаб қилади. Кўр-кўрона ҳаракатлар, ўйламай босилган қадам, фикр юритилмай қилинган ҳаракат мағлубиятга олиб келади. Ана шуларни назарда тутган ҳолда ҳаракат қиляпмиз. Жамоамиз кучли спортчилардан ташкил топган. Ўйлайманки, нуфузли ўринлар ва залворли ютуқлар бизники бўлади.

Зикрилло МАМАТҚУЛОВ, узоқ масофага югуриш бўйича Ўзбекистон чемпиони:

— Универсиада ўйинларида иштирок этаётганимдан мамнунман. 2000, 3000, 5000 метр масофага югуриш бўйича рекорд натижаларга эришамиз, деган умиддаман. Ҳар ҳолда янгилик яхши-да. Шу боис рекорд натижаларимни янгилаш ниятидаман.



Ҳасан ЭРГАШЕВ, жисмоний тарбия факультети 1-босқич талабаси, 800, 1500 метр масофаларга югуриш бўйича Халқаро мусобақалар голиби:

— Спорт турларининг ичида югуришдан мушқули бўлмаса керак. Албатта, ҳамма соҳаларда ўзига хос қийинчиликлар мавжуд. Лекин югуришда кишидан алоҳида масъулият, куч, сабр ва бардош талаб этилади. Бир сония ортда қолиш ғалабани чиппакка чиқариш мумкин. Шу боис ҳозир бутун фикр-ўйим мусобақа голиби бўлишга қаратилган. Халқаро мусобақаларда Ватанимиз шаънини ҳимоя қилганимиздек, Андижондаги беллашувларда ҳам бизга юклатилган ишонч ва масъулиятни тўла-тўқис оқлашга ҳаракат қиламиз.

Хусан ЭРГАШЕВ, 800, 1500, 3000 метр масофаларга югуриш бўйича Марказий Осиё чемпиони:

— Институти- миз, қолаверса, вилоятимиз шаънини ҳимоя қилиш ишончи менга юклатилганидан мамнунман. Бу масъулиятни удалаш учун беллашувларда қўлимдан келган барча ҳаракатларни амалга ошираман. Энг ҳаяжонлиси, беллашувларда акам Ҳасан билан бирга иштирок эта- япмиз. Демак, бу ерда оиламиз шарафи ҳам бизнинг зиммамизда турибди. Шу тўғрисида, яхши натижаларга эришишга астойдил интиламиз.





“Универсиада”нинг яна бир ижобий томони шундаки, спорт мусобақаларида беллашиш билан бирга, дўстлик ва қадрдонлик ришталари мустаҳкамланиб, юртимиз ёшлари ўртасида бирдамлик вужудга келади.

Бугун юртимиз ёшлари орасида спортга бўлган ҳавас ҳамда иштиёқ ортиб бормоқда. Бунга айна пайтда спортчиларимизнинг эришаётган ютуқлари-ю, улар ортидан замонавий спорт мажмуаларига отланишаётган ўғил-қизларимизнинг сафи тобора кенгаётганлиги далил.

Ёшлик ва гўзаллик байрамига айланиб бораётган “Универсиада” спорт мусобақаларида республи-



мамлакатларда ҳам яхши танишди: Миржалол Қосимов, Шухрат Максудов, Фарход Тўраев, Камол Муродов, Баҳодир Курбонов, Дилшод Мансуров, Рустам Саидов, Окгул Омонмуродова, Мария Бугакова, Абдулла Тангриев сингари спортчилар билан университетимиз ҳамisha фахрланади.

Шунингдек, иқтисодиёт университети тарихида биринчи бор шахмат бўйича Антон Филипов юқори

**ОРАЛИҚ МАСОФА:
УНИВЕРСИАДАДАН
УНИВЕРСИАДАГАЧА**

Жорий йилда Андижонда ўтадиган “Универсиада” спорт мусобақаларининг финал босқичи мусобақаларига тайёргарликни кўнгилдагидек амалга ошириш мақсадида университет раҳбарияти жисмонан ва маънан соғлом авлодни камол топтириш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар ўртасида спорт-соғломлаштириш ишларини юқори даражада олиб боришга интиляпти ва бу борада сезиларли ютуқларни ҳам қўлга киритяпти.

Университетда мавжуд спорт майдончалари тартибга солинди; теннис борасидаги билим ва маҳоратни шакллантириш учун очик майдон (корт) ишлаб турибди; 25x12 метр ҳажмдаги ёпиқ сув ҳавзаси қурилиб, ундан та-

лабалар кенг фойдаланмоқда; атлетизм билан шуғулланиш учун ҳам замонавий спорт анжумлари билан жиҳозланган зал ҳозирланган. Бундан ташқари, янги футбол стадиони ўтган ўқув йилида фойдаланишга топширилди. Университетда теннис, волейбол, баскетбол ва кураш (самбо) заллари ҳамда талабалар турар жойларида тренажер заллари мунтазам фаолият юритмоқда.

Ҳозирги кунда университетда спортнинг 9 та тури бўйича тўғрақлар фаолият кўрсатиб турибди. Уларда талабаларни жадвал асосида мунтазам шуғулланиши йўлга қўйилган. Ҳар ҳафтанинг шанба куни “Жисмоний тарбия ва спорт куни” деб белгиланган. Талаба қизлар

ва ўқитувчи аёллар ўртасида сўрономалар ташкил этилиб, эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда аёллар учун ҳам спорт секциялари ташкил этилди. Улар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилиб, голиблар рағбатлантириб келинмоқда.

Ўқув йиллари давомида университет бошланғич касаба уюшмаси ва «Камолот» ЁИХнинг кўчма кубоги учун профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида факультетларaro спорт мусобақалари ўтказиш анъанаси айланган. Бу эса ўз-ўзидан таълим даргоҳида спортнинг оммалашишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Б. БОБОХУЖАЕВ
«Камолот» ЁИХБТ
етакчиси

АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

камизнинг энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири — Тошкент давлат иқтисодиёт университети (ТДИУ) талабалари ҳам фаол иштирок этиб келяпти.

Маълумки, мазкур спорт беллашувлари илк бора 2000 йили Наманган шаҳрида ўтказилган. Шундан буён университетимиз талаба-спортчиларининг ютуқлари сони тобора ортиб бораётгани қувонарлидир. Спорт турлари бўйича қўлга киритилган олтин, кумуш ва бронза медаллари шодаси мусобақалардан мусобақаларга кўпаймоқда.

“Универсиада-2004” (Самарқанд шаҳри) натижаларига кўра, ТДИУ жамоаси 15та олтин, 3та кумуш ва 8та бронза медалини жамғаришга муваффақ бўлган ҳамда республика олий ўқув юртлари орасида олтин медаллар сони бўйича фахрли 1-ўринни эгаллагани.

Пойтахтимизда бўлган “Универсиада-2007” спорт мусобақаларида университетимиз шаънини ҳимоя қилган талабаларимиз ҳам акалари ва опаларининг изидан бориб, улардан ҳам яхши кўрсаткичга эришди — талабаларимиз 42та олтин, 8та кумуш, 3та

бронза медаллари совриндори бўлди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, уч босқичли республика спорт мусобақаларини ташкиллаштириш, ўтказиш йилдан йилга такомиллашиб борапти. Жойларда мазкур мусобақалар туфайли яратилаётган шарт-шароитлар, қуриб, фойдаланишга топширилаётган спорт иншоотлари халқаро стандартларга жавоб бериши билан хорижликларни ҳам лол қолдираётгани сир эмас.

Табиики, мавжуд қулайликлар ўқув-тайёргарлик машғулотларининг олий даражада ўтказилишига замин ҳозирлайди. Университетимиз спортчилари мамлакатимиз шарафини жаҳон ва қитъа биринчиликларида, олимпия ўйинларида ҳамда нуфузли халқаро мусобақаларда ҳам муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда.

Университетимизни битириб, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишида салмоқли ҳиссаларини қўшиб келаётган мутахассислар қаторида халқаро спорт усталари, Осиё ва жаҳон чемпионлари ҳам борлиги ифтихоримиздир. Уларни юртдошларимиз ва бошқа хорижий



унвон — гроссмейстерлик талабаларини бажарди, Данил Бугаков ва Иван Демьяненко сузиш бўйича улкан ютуқларга эришди, ҳатто бир неча бора қитъа ва жаҳон рекордларини такрорлашга, янгилашга муваффақ бўлди.

ТДИУ талабалари куч-ғайратга тўла, оловқалб, мақсадлари сари дадил интиляётган йигит-қизлардир. Шунингдек таъкидлаш керакки, университетимиз талабаларидан 12 нафари 2012 йили Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва Паралимпия ўйинларига бериладиган йўлланмаларни қўлга киритиш учун Ўзбекистон терма жамоаси таркибига киритилган.

М. БОЛТАБОВЕВ,
ТДИУ маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор



Жаннатмонанд мамлакатимизда ёшлар учун яратилган имкониятларни, шарт-шароитни дунёнинг бошқа бир бурчагидан топиб бўлмайди. Талаба-ёшларнинг кучларини ва шижоатини синондан ўтказуви “Универсиада” спорт мусобақалари менинг қалбимда ширин армон, очиги.

Бугунги кунда мен тахсил олган университетдан етишиб чиқаётган спортчи-талабалар эришаётган

ШИРИН АРМОН



оламшумул ютуқларни эшитиб, гувоҳи бўлиб тўлқинланиб кетаман. Халқимиз эртаси бўлмиш авлод тарбиясига давлатимиз томонидан кўрсатилаётган улкан ғамхўрликлар асло бесамар кетмаслигига тўла ишонаман.

Шу фурсатдан унумли фойдаланган ҳолда, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Андижон шаҳри мезбонлик қилаётган “Универсиада”га йўлланма олган талабаларига омад тилайман.

Шухрат МАКСУДОВ,
собиқ талаба,
«Олмалик» футбол клуби мураббийси

УСШУЗЛАР СПОРТИДА ҲАМ НАМУНА

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида фаолият юритаётган “Жисмоний тарбия ва валеология” кафедрасида ҳозирги кунда 23 нафар профессор-ўқитувчи машғулоти олиб бормоқда. Уларнинг 4 нафари доцент, 14 нафари катта ўқитувчи ва 3 нафари ўқитувчидир.

Белгилаб олинган вазифа ва йўналишларидан келиб чиқиб, ёшларнинг касб маҳорати ҳамда маънавий камол топиши, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, спорт билан шуғулланишларини ташкил қилишга қаратилган таълим-тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириб, талаба-ёшларнинг соғлом бўлиши, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун ҳолда камол топишига йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш ҳамда талабаларнинг тиббий маданиятини оширишга катта эътибор қаратилган.

Бунинг натижасида биргина 2008-2009 ўқув йилида талабаларимиздан 23 нафари халқаро миқёсдаги, 44 нафари республика миқёсидаги, 28 нафари шаҳарларaro ва 8 нафари олий ўқув юртлари орасида ўтказилган спорт мусобақаларида қатнашиб,

фахрли ўринларни эгаллади. Улардан 2 нафари жаҳон чемпиони, 7 нафари Осиё чемпиони, 24 нафари республикамиз чемпионлигини қўлга киритиб, махсус совринларга эга бўлди.

Охириги уч йил мобайнида кафедра профессор-ўқитувчилари саъй-ҳаракати туфайли талабаларимиз орасидан 3 нафари хизмат кўрсатган спорт устаси, 6 нафари халқаро спорт устаси, 1 нафари гроссмейстер ва 8 нафари спорт устаси унвонига сазовор бўлди.

Юртимизда мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ ҳукуматимиз томонидан ёшлар саломатлигига катта эътибор қаратиб келиняпти. Бу борада кўплаб қарор ва фармонлар қабул қилинган ва амалиётга татбиқ этиляпти. Юртимиз ёшларини тўла қамраб олган уч тизимли спорт мусобақаларининг йўлга қўйилиши ҳам аввало, навқирон авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадига йўналтирилгани билан беқиёс аҳамият, мазмун-моҳиятга эга.

Х. МАМАРАҲИМОВ
маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

КАШФИЁТЛАР МАЙДОНИ

Олий ўқув юртларида йил сайин “Универсиададан Универсиадагача” спорт маҳорати даражаси ва мусобақа тизими такомиллашмоқда. Бу мамлакатимиз тобора спорт ватанига айланиб бораётганини билдиради. Спорт ватани бўлган диёрни эса вақт келиб олимпиада, жаҳон чемпионатлари сингари улкан спорт байрамлари безаши шубҳасиз.

“Универсиада”нинг яна бир ижобий томони шундаки, спорт мусобақаларида беллашиш билан бирга, дўстлик ва

қадрдонлик ришталари мустаҳкамланиб, юртимиз ёшлари ўртасида бирдамлик вужудга келади. Уларнинг орасида бир вақтлар “Умид ниҳоллари” орқали танишган ва дўстлашган, кейинчалик “Баркамол авлод” ўйинларида ҳам ўзаро рўбарў келган ва ниҳоят “Универсиада”да ҳам кўришишга муваффақ бўлаётган ўнлаб ёшларимиз борлиги кимнинг қалбини энтиктирмайди, ҳавасини уйғотмайди дейсиз?!

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Тошкент давлат иқти-

содиёт университети ўқитиш ва малакали кадрларларни, истеъдодли иқтисодчиларни мамлакатимиз истиқболи учун етказиб бериш баробарида кучли спортчиларни ҳам тарбиялаётганини Андижонда ўтказилаётган бу йилги “Универсиада” спорт мусобақаларида ҳам ишботлашга астойдил ҳаракат қилади. Камолот, дўстлик ва бирдамлик байрами билан барчани қутлаймиз.

А. ИСТОМИН,
жисмоний тарбия ва спорт, махсус тайёрлов кафедраси мудири





"MATBUOT TARQATUVCHI" aksiyadorlik kompaniyasi



Муҳтарам «Универсиада-2010» қатнашчилари!
Барчангизни — спорт, ёшлик, дўстлик ва беғубор умидлар байрами билан самимий қутлаймиз!
Сизларга сиҳат-саломатлик, омад ва зафарлар тилаб қоламиз.



Ўзбекистон Республикаси даврий матбуот нашрларига обуна бўлинг!

БЕБАҲО ҚУВВАТ МАНБАИ


Жисмоний тарбияга азалдан халқимиз баркамоллик мезони сифатида қараган. Бунга ўлка-мизда узоқ йиллик тарихга эга миллий ўйинларнинг кўплиги далилдир.

Бугун эзгу қадриятга айланган ушбу тушунча халқимиз томонидан янада ривожлантирилмоқда. Миллий ўйин ва спорт турлари бўйича ҳар йили мусобақалар ўтказиш одат тусига кирди. Бунга «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари ёрқин мисол бўла олади.

Ҳар томонлама баркамол авлодни камол топтиришнинг асосий шартлардан бири — спорт билан шуғулланиш учун айна пайтда бутун юртимизда бўлгани каби бизнинг Тошкент ирригация ва мелиорация институтида ҳам барча шароитлар яратилган.

Институт «Жисмоний тарбия» кафедраси ихтиёридаги 1497 м² очиқ ва 1656 м² ёпиқ майдонли 2та зал ҳамда 25x12 м. сузиш ҳавзаси замонавий спорт инвентари билан жиҳозланган. Бугунги кунда жисмоний тарбия кафедраси қошидаги 9та спорт тўғаракларида талабалар мунтазам спорт билан шуғулланмоқда.

Институтимизда барча соҳалар каби иқтидорли талабаларимизнинг ўқишлари учун ҳам кенг имкониятлар яратиб берилган. Талабалар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улугбек номидаги Давлат стипендиялари соҳиблари таҳсил олмақда. Мисол учун қишлоқ ва сув хўжалиги таълим йўналиши бўйича 2-босқич магистранти Б.Абдурахмонов ва гидромелиорация факультети 4-босқич талабаси Ж.Ишча-



нов, М.Баймуратова ва Р.Хрупин, С.Рўзиев каби талабалар шулар сирасига қиради. Гидравлика ва Электротехника назарияси фанлари бўйича Республика олимпиадасида эса талабаларимиз — Ж.Ишчанов ва Ж.Юлдашев 1- ва 2-ўринни эгаллади.

Шу билан бирга, институтимиз Маданият саройи қошида Ўзбекистон халқ артисти Малика Аҳмедова раҳбарлигида «Миллий ва замонавий рақс» тўғараги, ўзбек ва рус тилларида «Қувноқлар ва зукколар», «Пардалар ва аёллар либосларини тикиш», «Вокал» каби тўғаракларга жами 218 нафар талаба-ёшлар қатнашмоқда. Бундан ташқари, компьютар, хорижий тиллар курслари ва касбий тўғараклар фаолият кўрсатади.

Табиийки, талабаларимизнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамоллиги йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар бугун ўз меваларини бермоқда.

У.НИГМАДЖАНОВ,
Тошкент ирригация ва мелиорация институти маънавий ва маърифат масалалари бўйича проректор, профессор

Ўзбек фарзанди сифатида юртимизда биз ёшларга яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб келмоқдамиз. Бу ҳаракатларим замирида келажакда юртимизнинг

лотларида қатнашиб келаман.

Устозимиз, қора белбоғ соҳиби, спорт устаси Муҳиддин Норқобиловнинг кул-лаб-қувватлаши самараси ўларок, биргина жорий йили Ўзбек жанг санъати



ЎЗБЕК ЖАНГ САНЪАТИ МАЛИКАСИ

муносиб фарзанди бўлиш, халқимизнинг эртанги истиқболига ўз ҳиссамни қўшиш мақсади мужассам.

Замонавий билимларни эгаллаш қаторида институтимиз жисмоний тарбия ва спорт кафедрасида ташкил этилган Ўзбек жанг санъати машғу-

Федерацияси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган республика биринчилигида 1-ўринни эгаллаб, 18—25 ёшлилар ўртасида Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлдим ва олтин медални қўлга киритдим. Ишонч ва эътибор-

дан қувват олган ҳолда, Андижон вилоятида ўтадиган «Универсиада-2010» спорт мусобақаларида ҳам муносиб иштирок этиш орзуим.

Матлуба АБДИЕВА,
ТИМИ гидромелиорация факультети 3-босқич талабаси

ФАОЛЛИК РАҒБАТИ

Фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш – фаровон келажак асоси.

Институтимизнинг илмда, спортда ҳамда жамоат ишларида фаол ёшлари тимсолида кўриш мумкин. Таълим муассасамиз фахрига айланиб улгурган Муҳандис-механик мутахассислиги талабаси Алина Насретдинова 2007 йили «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари голиби сифатида доимо фаол бўлишга интилиб келаятгани эътиборли. У ушбу муваффақиятларини давом эттириб, қўл тўпи бўйича «Алгоритм» жамоаси таркибида 13 қарра республика

чемпиони бўлди ҳамда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси сифатида халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда.

Хозирги кунда Алина «Универсиада-2010» ҳамда жорий йилнинг ноябрь ойида Хитойда ўтадиган Осиё ўйинлари мусобақаларига пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Эътиборлиси, институтимизда ана шундай фаол ёшлар кўп. Уларнинг барчасига омад тилаймиз.

И.МИРЗАКУЛОВ,
ТИМИ гуманитар фанлар кафедраси доценти





ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ...

Жисмоний тарбия ва спорт — таълимнинг ажралмас қисми. Спортни, хусусан, болалар, ёшлар ва хотин-қизлар спортни ривожлантиришга боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий базанинг яратилганлиги, барча қулайликларга эга иншоотларнинг ишга туширилиши ва уларнинг моддий-техник базаси мунтазам яхшилаб борилиши жисмоний тарбия ва спорт соҳасида узвийлик, узлуксизлик ва оммавийликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Навоий давлат педагогика институти спортчи йигит-қизлар жамоаси ўтган «Универсиада» спорт мусобақаларининг республика финал босқичида муваффақиятли иштирок этди. Жумладан, 2007 йили пойтахтимизда ўтказилган мусобақаларда спортнинг сузиш, енгил атлетика, волейбол ва миллий кураш турлари бўйича вакилларимиз 13 та олтин, 16 та кумуш, 11 та бронза медалларини қўлга киритишди.

«Баркамол авлод йили» номи олган жорий йилда Андижон шаҳрида ўтадиган «Универсиада-2010» спорт мусобақаларига институт жамоаси пухта тайёргарлик кўрди. Бахсларнинг I босқичи 2009 йил ноябрь-декабрь ойларида факультетлараро ўтказилиб, голиблардан институт жамоаси шакллантирилди ва вилоят босқичида улар Навоий давлат кончилиқ институти талаба ёшлари билан куч синашишди. Мусобақаларда футбол, кураш, белбоғли кураш, дзюдо, баскетбол (қизлар), кўл тўпи (йигитлар), шахмат, сузиш, енгил атлетика (қизлар, йигитлар), теннис, стол тенниси, волейбол (қизлар, йигитлар) бўйича институтимиз вакиллари, баскетбол (йигитлар) ва кўл тўпи (қизлар) турларидан эса рақиб жамоанинг талабалари голиб бўлдилар. Икки босқичда барча турлар бўйича ташкил этилган бахсларда институтнинг

1200 га яқин талабаси иштирок этди. Талабалар вилоятдаги етакчи устоз-мураббийлар кўмағида «Универсиада-2010»га тайёргарликка киришдилар. Навоий вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида «Сўғдиёна» марказий ўйингоҳи, «Делфин» сув ҳавзаси, Марказий теннис корти, Навоий тиббиёт коллежи спорт мажмуасида махсус жадвал ва дастур асосида ўқув-машқлари ташкил қилинди. Тайёргарлик доирасида навоийлик талабалар ўтган йилнинг декабридан ҳозиргача 12 та ўртоқлик мусобақаларида иштирок этдилар, кўплаб халқаро ва республика бахсларида қатнашиб, сезиларли ютуқларни қўлга киритдилар. Жумладан, Нукусда Халқ таълими вазирлиги тизимидаги педагогика институтлари талаба қизлари ўртасида волейбол бўйича ўтказилган мусобақада институт волейбол (қизлар) жамоаси II ўринни, 2010 йил 24—31 январда Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университетида

баскетбол бўйича ўтказилган бахсларда қизлар жамоаси I ўринни, 2010 йил 15—20 мартда Жиззах ДПИда волейбол (йигитлар) бўйича ўтказилган мусобақада йигитлар жамоаси I ўринни эгаллади. «Жисмоний тарбия» факультети талабаларидан Нодир Комилов 2009 йил 13—15 июнь кунлари Швейцарияда, 3—22 октябрда Доғистон республикасининг Қизилюрт шаҳрида эркин кураш бўйича, Екатерина Шишкова 2009 йилнинг сентябрида Италияда армрестлинг бўйича, Толиб Тойиров 2009 йил 10—15 октябрда аънанавий каратэ-до бўйича Ҳиндистонда бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда биринчи ўринни эгаллаган бўлса, шу йилнинг 28—30 январь кунлари ўзбек кураши бўйича Грецияда ўтказилган Президент Ислом.Каримов халқаро турнирида III ўринни эгаллади ва халқаро тоифадаги спорт устаси унвони талабини бажарди.

Вилоят терма жамоаси аъзоси сифатида машғулотлар олиб бораётган умидли спортчи та-


лабаларнинг аксарияти бизнинг институт талабаларидир. Улар «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» мусобақаларида иштирок этиб, муайян тажрибага эга бўлган йигит ва қизлардир. Эпчил ва чаққон спортчиларимиз С.Жугинисов, Ф.Файзиев, А.Асланова, А.Микуленко, А.Дикая, А.Князева, Д.Барановская, Е.Ратанова, М.Садинова, толмас курашчилар Ш.Дусткулов, А.Темиров, Т.Адилов, Х.Очилов, Б.Шарипов, Б.Бозоров, С.Ёдгоров, Ш.Турсунов, К.Қудратов, М.Бекбутаев, А.Рустамова, Д.Мирзаева, Л.Ким, С.Тухтаева, А.Баймуратова, А.Хайитов, С.Асланов, С.Примов, Е.Шишкова ва бошқа йигит-қизларимиз мусобақаларга шай туришибди.

Талабаларнинг «Универсиада-2010» спорт мусобақалари республика финал босқичига тайёргарлик кўришда малакали устоз-мураббийларнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак, албатта. Ўзбек кураши, дзюдо бўйича полвонларимиз устозлари А.Нуруллаев, Б.Бўроновлар раҳбарлигида

тайёргарлик кўрмоқдалар. Полвонларимиз «Универсиада-2007» спорт мусобақаларида 1та бронза медалини қўлга киритишган бўлса, Андижонда натижани бундан-да яхшилашни мақсад қилганлар. Навоий вилоят спортнинг сузиш тури бўйича мамлакатимизда етакчилардан саналади. Афина ва Пекинда ўтган ёзги Олимпия Осиё ўйинларида Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилган навоийлик сузувчиларнинг янги авлоди таникли мураббийлар Виктор Владимирович Петров, Дания Фаляховна Галандиновалар билан Андижонда ҳам ўз аъналарига содиқ қолишларига ишонамиз. «Шўхрат» медали соҳиби, спортчи ва енгил атлетика мураббийси Равиль Хаитовнинг шогирдлари Самарқанд ва Тошкент шаҳрида ўтказилган мусобақаларда талайгина медаллар соҳиби бўлганлар.

Ишончимиз комилки, спортда оммавийлик ва узлуксизликнинг таъминланганлиги галаба ва юқори натижаларни кафолатлай олади.

Холбой ИБРАГИМОВ,
Навоий давлат педагогика институти ректори,
Олий Мажлис Сенати аъзоси



«Универсиада-2010» мусобақалари иштирокчиларини катта спорт байрами билан самимий қутлаймиз. Голиб ва совриндорларнинг 2012 йили Лондонда ўтадиган ёзги Олимпиада мусобақаларида иштирок этиш учун бериладиган йўлланмаларни қўлга киритишлари ва у ерда шохсупага қўтарилишлари йўлида омадлар тилаймиз.

ТЕНГДОШЛАРИМ ИМКОНИЯТИНИ

Мен сузиш спорт тури билан ёшлигимдан мунтазам шуғулланаман.

Ҳозиргача қатор вилоят, республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этганман. Тошкентда ўтган «Универсиада-2007»да эса иккита масофада биринчи ўринни эгаллаб, кейинроқ мамлакат биринчилигида ҳам голиб бўлдим. Тенгдошларимнинг имкониятларини ўргандим ва ўз кучимга ишонаман.

Сузиш тезкорлик, куч, чаққонлик ва бошқа жисмоний, техник ва тактик тайёргарликни талаб қилиши, ўзининг жозибаси ва мафтункорлиги, бутун тана органларининг пропорционал ҳаракатланиши билан ажралиб туради. Статистикага назар ташласак, жаҳонда айнан сув спорти билан шуғулланаётганлар сони йилдан-йилга ошиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Бундан 10—15 йиллар аввал мамлакатимизнинг бир неча шаҳрида сузиш ҳавзалари бўлиб, мусобақалар асосан



да кўплаб шаҳар ва туманларда сузиш ҳавзалари ишга туширилди. Натижада спортчилар ўртасида рақобат кескин кучайди. Самарқанд ва Тошкентда ўтган Универсиада бахслари, мамлакат биринчиликларидаги натижалар буни исботлайди.

Мен 2012 йили Лондонда ўтадиган ёзги олимпия ўйинларида мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг маҳсули ва эзгу ниятлар рўёбга чиқишига, сув спорти бўйича янгидан янги чемпионлар кашф этилишига ишонаман. Устозларим, дўстларим, вилоятим ишончини оқлаб, буюк Мирзо Бобур юрти, меҳмондўст ва мафтункор Андижондан кун сайин гуллаб-яшнаётган Навоийга албатта галаба билан қайтаман.

Анна ФОМИНА,
жисмоний тарбия факультети 4-курс талабаси,
спорт устаси

Енгил атлетика энг қадимги ва дунёда кенг тарқалган спорт турларидан бири. Ёзги олимпия ўйинларида энг кўп медалларни айнан енгил атлетикачилар қўлга киритишади. Бу спорт тури ўзда чаққонлик, эпчиллик, тезкорлик, кучлик ва иродаликни уйғунлаштирган. Бе-

га боровчи жамоа шакллантирилди ҳамда мураббийимиз Равиль Хаитов раҳбарлигида махсус дастур ва жадвал асосида тайёргарлик олиб борилди. Шу даврда енгил атлетикачиларимиз бир неча марта республика мусобақаларида қатнашдилар. Иштирокимиз ва натижа-

ЁШЛИК ВА ДЎСТАЛИК

жизга уни «спорт киришлари» деб номлашмайди.

Вилоятимизда спортнинг ушбу тури йил сайин оммалашиб бормоқда. «Универсиада-2010»нинг институт ва вилоят босқичида 400га яқин талабалар югуриш бўйича беллашувларда иштирок этди. Бу оммавийлик ва рақобатдан дарак беради. 2007 йили Тошкентда ўтган «Универсиада-2007» мусобақаларида Навоий вилояти жамоаси вакиллари совриндорлар сафидан ўрин эгаллаб олган эди. Жамоамиз ўша йилдан бошлаб кенгайтирилган таркибда ўқув-машқ машғулотларини мунтазам олиб борди. 2009 йил декабрь ойида мусобақаларнинг вилоят босқичи ўтиб, Андижон-

БАЙРАМИ

ларимиз мониторинги мунтазам олиб борилди.

Ж о н а ж о н
Ўзбекистонимизнинг барча талаба-ёшларини дўстлик ва ёшлик байрами билан самимий табриклайман. Мусобақаларда янги номлар кашф этилишига ишонаман. «Универсиада-2010»да иштирок этиш мен учун шараф ва масъулият. Шунинг учун бу йилги мусобақаларда бор куч-ғайратимни ишга солиб, совриндорлар сафидан ўрин эгаллашга ҳаракат қиламан.

Азиз ХАИТОВ,
жисмоний тарбия факультети 4-курс талабаси, спорт усталигига номзод





ИЛДАМ ҚАДАМЛАР

Юртимизда, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёшларнинг спорт билан шуғулланишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2010 йилнинг 1 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектиларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва ушбу қарор асосида қизларни спорт билан шуғулланишга янада кенгроқ жалб этишни хар томонлама қўллаб-қувватлаш учун аёл устоз-мураббийларнинг тариф ставкаларига устама ҳақ белгиланиши юртимизда спорт-соғломлаштириш ишларини ривожлантиришдаги яна бир қадам бўлди.

Зеро, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мамлакатимизда устувор йўналишлардан бирига айланганлиги туфайли ҳам ёшларимиз орасида спортга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Буни университетимиз талаба-ёшларининг турли спорт мусобақаларидаги муваффақиятли иштирокида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, талабаларимиз "Универсиада" спорт мусобақаларида кўп йиллардан бери вилоятимиз терма жамоасининг асосий таркибини ташкил этиб келмоқда.



Хоразм терма жамоаси Наманган шаҳрида бўлиб ўтган "Универсиада-2000" спорт мусобақаларида 11-ўринни эгаллаган бўлса, Бухоро шаҳрида ўтказилган "Универсиада-2002" ва Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Универсиада-2004" спорт мусобақаларида 8-ўринни олди. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Универсиада-2007" спорт мусобақаларида эса ёшларимиз олий таълим муассасалари орасида фахрли 4-ўринни эгаллади. Жумладан, ёшларимиз «Универсиада-2007» мусобақаларида 1та олтин, 15та кумуш ва 34та бронза медалига сазовор бўлди. Айниқса, университет жисмоний маданият факультети талабаларидан курашчиларимиз Нурбек Искандаров (олтин) ва Алишер Қурёзов (кумуш), енгил атлетикачи қизимиз Орзугул Гылыжованинг (кумуш) ютуқларини алоҳида кўрсатиш мумкин. Жамоавий спорт ўйинларида ёшларимиз кўл тўпи, кураш бўйича кумуш, дзюдо ҳамда футбол бўйича бронза медалини қўлга киритдилар.

Универсиада мусобақаларида ёшларимиз эришаётган ютуқлар, орттирилаётган тажриба уларнинг халқаро доираларда ўтказиладиган мусобақаларда ҳам катта марраларга эришишларига замин бўлмоқда. Буни талаба-ёшларимизнинг республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда эришаётган ютуқларидан ҳам билса бўлади. Жумладан, жисмоний маданият факультети талабаси Ўғилжон Рўзметова 2009 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган самбо бўйича Осиё биринчилигида I ўринни эгаллаган бўлса, 2009 йилнинг ноябрь ойида Грецияда ўтказилган самбо бўйича жаҳон чемпионатида II ўрин соҳиби бўлди. Яна бир талабамиз Нурбек Искандаров 2009 йилнинг апрель ойида Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича халқаро турнирда III ўринни қўлга киритди.



Албатта, талабаларимизнинг бундай ютуқларга эришишида воҳадаги тажрибали мураббийларнинг ҳам ҳиссаси катта. Улар раҳбарлигида "Универсиада-2010" мусобақаларига ҳам тайёргарлигимиз қизгин. Ёшларимиз ўтган йилларда эришган ютуқларимизни янада ривожлантиришга бел боғлашгани барчамизни хурсанд қилаётир.

Рўзимбой ЭШЧАНОВ,
Урганч давлат университети ректори,
биология фанлари доктори



Мамлакатимиз раҳбариятининг ёшларга ғамхўрлиги туфайли республикаимизда 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши барча саъй-ҳаракатларимиз фарзандларимиз бахту саодати, фаровон келажагига қаратилганлигининг ёрқин ифодасидир.

Бундай эътибордан куч олган Хоразм вилоят терма жамоасининг асосий таркибидан жой олган университетимиз ёшлари "Универсиада — 2010" спорт мусобақаларига қизгин тайёргарлик кўрган ҳолда боришмоқда.

1999 йилдан университет қошида спорт клуби ташкил этилган бўлиб, ҳозирда унга 6462 нафар талаба аъзо.

Клуб ўз маблағлари ҳисобидан воҳамизда спорт тадбирларини ўтказиш, спорт иншоотларини ижарага олиш, спорт анжомлари ва буюмларини харид қилиш, катта ютуқларга эришган спортчи-талабаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, спортчи ёшларнинг турли мусобақаларда иштирок этишига кўмаклашишдек хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Биз бу йилги универсиадага тайёргарликни 3 йиллик истиқболли дастур асосида 2007 йилдаёқ бошлаганмиз. Бунда спортчиларимизнинг

Урганч давлат университети магистранти Орзугул Гылыжова Шовот туманидаги 46-мактабда таҳсил олган. У ўқувчилик пайтларидаёқ тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги ва матонати билан ажралиб турар эди. Бу хислатлар унинг спорт билан шуғулланишида кўл келди.

Орзугул ёшлигиданоқ мактабнинг енгил атлетика тўғараги машғулотларига қатнай бошлади. Мураббий Комил Шерзонов тираҳбарлигида олиб борилган тинимсиз машғулотлар натижасида Хоразм вилояти терма жамоаси аъзосига айланди. 2001—2003 йилларда бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларида қатнашиб, 4-ўринни эгаллади.

Хар гал кураш гиламига тушишдан олдин кураги ерга тегмаган, мард ва баҳодир, ҳазрат Паҳлавон Маҳмуднинг Ҳинд диёридаги ёлғондакам «мағбулияти» ҳақида ўйлаб қоламан. Кекса онахоннинг илтимоси билан унинг ёлғиз жигарбандини деб кураш майдонида «йиқилган» баҳодирнинг номи тилларда дoston бўлди.

Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари кураш майдонида не-не полвонларни енгмаган дейсиз. Хорижлик курашчилар билан тенг майдонда ҳалол кураш тушиб қолиб бўлган моҳир курашчи ўз элига тутқундаги асирларни олиб келиб, ватандошларининг мамнунлигидан боши осмонга етади.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Универсиада-2007» спорт мусобақасида иштирок этганимда жисмоний маданият факультетининг учинчи босқич талабаси



УЧ ЙИЛЛИК САБОҚ ТУҲФАСИ

жисмоний, тактик ва руҳий, функционал тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Университет терма жамоаси тўлиқ шаклланган бўлиб, шу пайтгача барча спорт турларидан ўртоқлик ва назорат учрашувларини муваффақиятли ўтказди. Жумладан, 2010 йил 5—10 апрель кунлари университетнинг гандбол бўйича ўғил болалар ва қизлар ҳамда волейбол бўйича қизлар жамоаси Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилояти терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказди.


2010 йил 5—17 апрель

кунлари дзюдочи ва курашчи талаба-ёшлар Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган мамлакатимиз терма жамоаси йиғинида қатнашиб келишди.

2010 йил 12—17 апрель кунлари баскетболчи қизлар жамоаси «Талаба» РСУ 2-тур мусобақаларида қатнашди.

Май ойида эса университет қошидаги санаторий-профилакторийда спортчиларимизга бепул йўлланмалар берилиб, машғулотлар ўтказиш ҳамда дам олиш шароитлари яхшиланди.

Албатта, ёшларимизга яратилаётган бундай шарт-шаро-



итлар ўз натижасини беради. Ишончимиз комилки, "Универсиада-2010" республика финал босқичида спортчи ёшларимиз юқори натижаларга эришадилар.

Санжарбек ДАВЛЕТОВ,
УрДУнинг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича 1-проректори, т.ф.н., доц.

ОРЗИГУЛНИНГ ОРЗУЛАРИ



муваффақият тилаймиз.

2003 йили УрДУ талабаси бўлди. Дастлабки йиллардаёқ спортчи қизимиз янги ютуқларни қўлга киритди. Жумладан, 2004 йили Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Универсиада-2004" спорт мусобақаларига қатнашиб, совринли 2-ўринни эгаллади. 2007 йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Универсиада-2007" мусобақаларида 2 та кумуш медал соҳибаси бўлди.

Орзугулнинг орзулари кўп, шулардан бири бу йилги "Универсиада-2010" спорт мусобақаларида ғолиб бўлиш. Интилганга толе ёр дейдилар, орзуларинг ушалсин, Орзугул, биз ҳам сенга


О.ШАРИПОВ,
жисмоний маданият факультети декани

эдим. Спортнинг кураш тури бўйича 81 килограммик вазн тоифасида олтин медални қўлга киритиб, жамоамиз нуфузини оширишга ҳисса қўшганим, ўшанда.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД ИБРАТИ

гарлик қизгин кечаётир. Ҳар бир спорт тури бўйича вилоятимизнинг энг тажрибали мураббийлари бирктиб қўйилган. Машғулотлар қатъий график асосида Урганч шаҳридаги замонавий спорт иншоотларида олиб борилди.

Талабаларимиз фақат юқори ўринларни эгаллашни ўз олдила-



рига мақсад қилиб қўйишган. Кўзлаган мақсадларимиз ижобат бўлиши учун спортчиларимизда хоҳиш ҳам, ирода ҳам етарли.

Нурбек ИСКАНДАРОВ,
УрДУ иккинчи босқич магистранти



«ҚўНҒИРОТ СОДА ЗАВОДИ» УНИТАР КОРХОНАСИ

«Универсиада-2010» спорт мусобақалари қатнашчилари ва меҳмонларни самимий муборакбод этамиз.

Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат, сабр-бардош, зукколик сабоғини олаётган, беллашувларнинг республика босқичига чиққан чапдаст ва иқтидорли ёшларга зафарлар тилаймиз!



«Универсиада» — ёшлар ўртасида жисмоний ва маънавий камолотни тарғиб этиши қаторида жисмоний тарбия ўқитувчилари фаолиятининг самарадорлигини кўрсатадиган ўзига хос кўрик ҳамдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Тошкент давлат техника университети талабалари «Универсиада» спорт мусобақаларининг барчасида муваффақиятли иштирок этиб келаётганининг ўзиёқ фахр уйғотади кишида. Хусусан, баскетбол бўйича ҳар иккала (аёл ва эркеклар) жамоа мусобақалар таш-

ўринни эгаллаган бўлса, Мария Сидякина қумуш медаль билан тақдирланганди.

Кувонарли томони, бу галги мусобақаларда ҳам ТошДТУнинг кўплаб спортчилари Тошкент шаҳар терма жамоаси таркибида финалга йўлланма олди. Университет гуруҳи таркибидаги Мария Сидякина (стол тенниси), Александр Грибановский (сузиш) ва Игорь Гончаров (енгил атлетика) каби умидли спортчиларнинг голиблик шохсупасидан ўрин эгаллашига ишончимиз комил. Боиси, машгулотлар давомида «Универсиада» мусобақаларининг икки карра қатнашчиси номига сазовор бўлаётган Д.Сшанов ва М.Сидякина

навий юксалтиришнинг муҳим омили бўлган спорт Ўзбекистонда устувор йўналишига айланиб улгурди. «Универсиада» мусобақалари эса жойлардаги спорт базаларини янада ривожлантириш, спортчи кадрлар маҳоратини ошириш, таълим муассасаларида соғлом муҳит яратиш вазифасини ўтамоқда.

Бу ҳаётий ҳақиқатни англаган университет раҳбарияти томонидан спортчи талабаларнинг ўз қизиқишлари доирасида жисмоний тайёргарлик кўриши учун шароит яратиш берилмоқда. Ҳозирда ўқув юртида талабалар учун тренажер зали ташкил этилган. Спортчи-ёшлар мунтазам турли даражадаги мусобақаларда иштирок этиб келишяпти. Шу билан бирга, ўқув юртида спортнинг кўплаб турлари бўйича ҳар йили мусобақалар ташкил этиш анъанага айланган. Университетнинг биринчи курсига қабул қилинган талабалар илк ўқув йилиданоқ гуруҳлараро беллашувларга жалб этилади. Кейинги босқичда баҳслар факультетлараро ўтказилади. Охирида умидли спортчилар танлаб олинган, олий ўқув юртининг терма жамоаси ташкил этилади.

Бу гуруҳ аъзолари «Универсиада» дастурига киритилган спорт турлари бўйича секцияларга қатнай бошлади. Ушбу секцияларда З.Худойберганов, Ш.Таштаев, В.Шлапаков ва Г.Чуриков каби тажрибали мураббийлар доимий равишда ўқув машгулотларини ўтказишади. Баскетбол бўйича эса ёшларни кўп йиллар мобайнида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, спорт устаси, миллий тоифадаги ҳакам ва олий тоифали мураббий Сергей Козлов тайёрлайди.

Олий ўқув юртида таҳсил олаётган ёшларнинг спортга қизиқишини янада кучайтириш ва уларнинг бу борадаги эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида бир неча йил олдин янги спорт мажмуаси қурилиб, замонавий спорт зали ва сузиш ҳавзаси талабалар ихтиёрига топширилди. Шундан бери бу маскан доим талаба-ёшлар билан гавжум бўлиб, бу ерда машгулотларга мураббийлар

Н.Ақтуганова ҳамда Т.Корякова раҳбарлик қилади.


Кўриниб турганидек, университетимизда амалга оширилаётган мазкур йўналишдаги сайёҳаракатларнинг самараси замирида аввало, талабалардаги улкан шижоат ва ирода, қолаверса, мураббийларнинг сидқидилдан қилган меҳнати ётади. Шу билан бирга, «Универсиада» мусобақалари орқали кўзланган асосий эзгу мақсаднинг ҳам бунда ўрни катта. Ҳозирга келиб ушбу беллашувлар тизимининг аҳамияти нечоғлик экани-



га ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Сабаби, оммавийликдан юксак спорт ютуқларига йўналтирилган мазкур тизим талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан бирга Ўзбекистон нуфузини халқаро майдонларда оширишга хизмат қилмоқда.

М.ТОШМАТОВ,
ТДТУ жисмоний тарбия кафедраси мудири

СОҒЛОМ МУҲИТ АСОСИ



кил этилганидан буён жамоамиз голиблар сафидан ўрин олиб келмоқда. Шунингдек, 2007 йили енгил атлетика беллашувларида 100, 200 ва 4x100 метрга эстафетали югуриш бўйича университетимиз талабаси О.Журавлев биринчи

каби талабалар ўз тажрибалари билан доимий ўртоқлашиб борди. Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, спорт мактабларида мунтазам шуғулланганидан бу ёшлар аввал ҳам «Умид ниҳоллари» ва «Баркамол авлод» ўйинларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашган. Шахсни жисмоний ва маъ-





Университетимизда ёшларнинг спортга қизиқишини қўллаб-қувватлаш, уларни машғулотларга узлуксиз жалб қилиш мақсадида «Педагог» талабалар спорт клуби фаолият юритиб келади. Мазкур соғломлаштириш маскани тақвим режасига асосан ҳар йили «Универсиада» дастурига киритилган спортнинг 12 тури бўйича факультетлар биринчилигини намунали ташкил этиб келмоқда.

Мисол учун, жорий йилда «Универсиада-2010» спорт мусобақаларининг финал босқичига қадар университет бўйича ўтказилган мусобақаларда жами 3095 (1295 нафар ўғил ва 1800 нафар қиз) нафар талаба қатнашди. Тошкент шаҳридаги олий

миллий ва белбоғли кураш спорт турлари бўйича I, II ва III ўринларни эгаллашди.

Ўз ўрнида таъкидлаш зарурки, «Универсиада» дастурига киритилган спорт мусобақалари билан чекланиб қолмасдан, университетимизнинг «Педагог»

да спортнинг қатор (шашка, шахмат, арғимчоқда сакраш, мини футбол, армреслинг, спорт гимнастикаси) турлари бўйича спорт беллашувлари ҳам ташкил этиб келинмоқда. Бундан ташқари, университет профессор-ўқитувчи ва ишчи ходимлари ўртасида ҳам спорт мусобақаларини ўтказиш яхши йўлга қўйилган.

Шунга қарамай, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш орқали уларнинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш борасида олдимизда қатор вази-

ФАЛАБАЛАЛАР ДОВОНИ САРИ

таълим муассасалари ўртасида ўтказилган саралаш беллашувларида эса волейбол, баскетбол, енгил атлетика, стол тенниси ва шахмат бўйича аёл ва эркеклар жамоалари муваффақиятли иштирок этди. Шу билан бирга талабаларимиз мини-футбол (эркаклар) жамоаси ҳамда дзюдо,

спорт клуби ва талабалар касабаси уюшмаси томонидан ўқув юрти миқёсида спартакиада ўтказилади. «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари, факультетлараро спорт мусобақалари, ректор кубоги, университетда тахсил олаётган кўзи ожиз ва ногирон талаба-ёшлар ўртаси-

далар мавжуд. Мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар ўқув юртимизда ўтказиладиган спорт мусобақалари ҳамда «Универсиада» баҳсларида талабаларимиз иштирокини янада мазмунли кечишини таъминлаши лозим.

Бунинг учун эса аввало, «Универсиада» беллашувлари босқичларидаги ташкилий ва маънавий-маърифий фаолиятни кенг ёйиш, талабаларнинг спортда универсалликка интилишини қўллаб-қувватлаш ва уларга бу борада кўмаклашиш, уч босқичли тизимнинг якуний баҳслари бўлган «Универсиада»нинг ижтимоий-тарбиявий жиҳатларига ҳам эътибор қаратишни тизимли йўлга қўйиш муҳим вазифаларимиздандир.

Р.ЛАТИПОВ,
Низомий номидаги
ТДПУ доценти,
А.КАРИМОВ,
тадқиқотчи



ИҚТИДОР ВА ҒАЙРАТ БИРЛИГИ

Индира КАГИРОВА — стол тенниси бўйича спорт устаси, ТДПУнинг иккинчи босқич магистри:



Спорт шундай бир йўлки, унда ортга чекинмиш бўлмайди, аксинча, ҳар бир ғалаба ва ҳар бир мағлубият ўзига яраша дарс вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам унинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Аслини олганда, жамиятда ҳар бир инсоннинг соғлом турмуш тарзини кечириши, аввало, унинг

ўз манфаатларига хизмат қилади. Шахсан мен «Универсиада» мусобақаларининг моҳиятини шунда кўрдим.

Ўзимдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, баҳсларнинг саралаш ва якуний босқичига тайёргарлик кўриш чоғида ўз касбимиз сирларини ўрганиш билан бир қаторда жисмоний тайёргарлигимни ҳам ошириб бордим. Бу эса шахс серқирралигини шакллантиришга кўмаклашади. Ушбу фазилатларни намойиш этишда «Универсиада-2010» баҳслари бизга маҳорат ва синов майдони бўлиб хизмат қилади. Бу майдон беллашувларида эса гуруҳдошларим билан биргаликда муносиб кураш олиб бориш ва ғалабага астойдил ҳаркат қилишни мақсад қилганмиз.

Дания МИКЕЕВА — Тошкент шаҳар волейбол (аёллар) жамоаси аъзоси, ТДПУнинг педагогика таълим йўналиши магистранти:

— Гарчи мамлакатни улуғлайдиган, номини жаҳонга танитадиган инсонлар кўп бўлса-да, спортчи ёшлар эришган ютуқлар ва улар туфайли Ватан шарафига айтилган мақтов бутун халқда ўзгача ғурур бағишлайди. Шу сабаб ҳам мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга қаратилаётган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида эса жамиятимизда соғлом турмуш тарзи таркиб топмоқда.

Шубҳасиз, бу мендек ёш авлод вакиллари янада юксак чўққиларни эгаллашига ундайди. Чунки бунинг учун барча зарур шaroит ва рағбат ҳам мавжуд.

Айтиш керакки, бугун биз каби олий ўқув юртларида тахсил олиш билан бирга спортдаги истеъодларини рўёбга чиқариш мақсадида ҳаракат қилаётган ёшлар учун «Универсиада» баҳслари жиддий синовдир. Беллашувлар талабаларни нафақат ғалабага интилишга ундайди, балки



мазкур баҳслар туфайли юртимизнинг фаол ёшлари бирлашиб, янги-янги ғоялари бўйича фикр алмашиб, тажриба ошириш имконини ҳам беради. Шу сабаб ҳам «Универсиада» биргина мусобақа эмас, ўзига хос байрам тадбири сифатида таърифланади. Сўзим якунида мен Андигонга йўл олган ва яхши ният ила ҳаракатда бўлган барча тенгдошларимга муваффақиятли иштирок этишда омад ёр бўлишини тилайман.

СОҒЛОМ ҲАЁТГА ИНТИЛИБ



Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги оммавий тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб бориш муҳим жараён дир. Сабаби, талаба, ўқитувчи ва ходимларнинг спорт билан дўстлашуви, соғлом турмуш тарзининг қарор топиши ва уларнинг саломатликларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг жисмоний тарбия ва спорт кафедраси фаолияти ҳам айнан шу мақсадларга йўналтирилган.

Ҳар ўқув йили бошида кафедра томонидан университет талабаларини жалб этган ҳолда ўтказиладиган оммавий спорт тадбирларнинг режаси ишлаб чиқилган. Унга ўқув гуруҳлари, факультет ва талабалар турар-жойлари ўртасидаги биринчилик баҳси учун оммавий спорт турлари бўйича мусобақалар киритилган. Ушбу тадбирлар талабаларимизнинг асосий спорт беллашуви — «Универсиада-2010» мусобақалари саралаш босқичига тайёрланиш жараёнида муҳим аҳамият касб этди.

Айтиш керакки, шундай аниқ мақсадли оммавий спорт тадбирлари режаси ва ҳар бир беллашувда спортчиларни пухта саралаш туфайли университет жамоаларининг аввалги «Универсиада» баҳсларида яхши натижа кўрсатишига замин ҳозирлагандик. Бугун университет раҳбарияти сузиш, волейбол, стол тенниси, кураш, гандбол ва енгил атлетика бўйича «Универсиада»да иштирок этган спортчи талабалари билан ҳақли равишда фахрланади. Улар турли даражадаги медаллар шодаси билан университетнинг спорт соҳасидаги ютуқларини бойитишга ҳисса қўшишган.

Олий ўқув юртимизда спорт ва жисмоний тарбия бўйича тайёргарликларни олиб бориш учун зарур база шакллантирилган. Бу ерда мунтазам шуғулланаётган ёшлардан Дания Микеева, Екатерина Мельникова ва Анна Карамзина аввало, университетимиз, сўнгра шаҳар шарафини ҳимоя қилган ҳолда пойтахт терма жамоаси сафида Андигонда бўлиб ўтадиган якуний босқич баҳсларига киришади. Стол тенниси бўйича спорт устаси, педагогика-психология факультети талабаси Индира Кагирова Тошкент терма жамоасидаги ғолибликка асосий даъвогарлардан саналади. Физика-математика факультети талабаси Александр Старостин эса терма жамоа таркибида захира ўйинчиси сифатида стол тенниси беллашувларида қатнашади.

Бугун университетимиз спортчи-талабаларининг Андигонда ўтадиган ҳал қилувчи баҳсларда энг юқори натижани қайд этган ҳолда яна медаллар билан қайтишига дилимиз улкан ишонч ва умидга тўла.

Г. ЧАСОВНИКОВА,
ТДПУ катта
ўқитувчиси





«Универсиада-2000» мусобақалари илк бор Наманганда ўтказилиши муҳим аҳамият касб этди. Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида бир қатор спорт иншоотлари барпо этилиб, кўплаб ёшлар спортнинг ҳар хил турлари бўйича шуғулланиш имкониятларига эга бўлди.

Ma'rifat
2010-yil 27-may

Муҳтарам Юртбошимиз ва ҳукуратимиз томонидан жисмоний тарбия ва спортга, хусусан ёшлар спортга берилаётган эътибор бекиёсдир. Ёшларимизнинг спорт соҳасида эришаётган муваффақиятлари, жаҳон шохсупаларидаги ютуқлари бизнинг гуруҳ ва ифтихоримиздир. Албатта, бундай улкан зафарлар ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Бунинг учун давлатимизда мустақиллик йилларида шаклланиб, ҳозирги кунда ёшларимиз ҳаётининг таркибий қисмига айланган уч босқичли спорт мусобақаларининг аҳамияти бекиёсдир. Буларнинг самараси эса,



БАРКАМОЛЛИК СИНОВИ

ҳам жисмоний жиҳатдан чиниқишлари учун пойдевор бўлаётир. Ёшларда она-Ватанга бўлган муқаддас туйғулар айнан шу мезонлар асносида камолга етмоқда.

Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтида бугунги кунда бир ярим минг нафардан зиёд талаба йигит-қизлар узлуксиз равишда соғломлаштириш ва спорт мусобақаларида фаол қатнашмоқда. «Талаба» клубида спортнинг етти тури бўйича ўн иккита тўғарак ишлаб турибди.

Спорт майдонлари ўқув машғулотларидан бўш пайтларда ҳаммиша талабалар билан гавжум. Бу йўл орқали улар ўртасида спортнинг оммавийлигини таъминлашга эришилмоқда.

Дарвоқе, институтимиз талаба спортчилари Наманган, Бухоро, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида ташкиллаштирилган беллашувларда муваффа-

лик ташкилотлари зарурий шарт-шароитларни яратди.

Чўққига интилган сайин у янада салобатли, маҳобатлироқ бўлиб кўринади, дейди халқимиз. Олдинда турган курашлар, беллашувлар ҳам худди шундай. Қаттиқ синовларда тобланган спортчиларимиз навбатдаги жиддий имтиҳонлардан ҳам муваффақиятли ўтишларига шубҳамиз йўқ. Жаҳонда дўстлик, тинчлик, ҳамкорлик элчиси бўлган спорт

қиятли қатнашиб, фахрли ўринларга эришганлари ёдимизда. Шу боис ҳам, айни кунларда спортчиларимиз ўз қобилият ва салоҳиятларини кучайтира бориб, «Универсиада-2010» финал ўйинларида зафарли ўринларни эгаллаш учун жиддий тайёргарлик кўришди. Зотан, спорт майдонларида ҳақиқий эпчил, кучли, мард қиз ва ўғлонлар ғалаба марраларини забт этишларини яхши англаймиз. Шу сабабли мусобақаларда иштирок этадиган спортчилар учун институт раҳбарияти ва жамоатчи-



байроғини янада юқори кўтаришни орзу қилган янги-янги номлар кашф этилишида ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз, деган умиддамиз.

Аҳмаджон ЛУҚМОНОВ,
Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтининг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича 1-проректори, доцент

КАРАТЭЧИ ЭЛЬВИРА


Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти менежмент факультети биринчи босқич талабаси

Жалолиддин ака оиласида 1987 йил 20 октябрда туғилган қизалоқ унинг оиласига бу қадар шараф келтиришини ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Шўҳ ва шаддод бўлган Эльвира болалигиданоқ ўғил болалар билан ўйнаши баробарида, улардан қолмаган ҳолда чапдастлик билан қилган ҳаракатлари орқали тенгдошларини қойил қолдирар эди.

Дарҳақиқат, Эльвира ўн уч ёшидан бошлаб, кёкушинкай каратэ бўйича спорт тўғрисида аъзо бўлди. Кўп ўтмай, 2001 йили «Камолот» ЕИХ томонидан ташкил этилган ёшлар ва ўсмирларнинг Наманган шаҳрида ўтказилган вилоят биринчилиги мусобақаларида биринчи ўринни эгаллади. 2002 йили эса Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган республика чемпионатида ҳамда Андижон шаҳрида 2006 йил март ойида вилоят биринчилигида қатнашиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади. Сўнгра уни кўпроқ халқаро мусобақалар қизиқтира бошлади. Эльвира 2007 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада ҳам шохсупанинг биринчи поғонасини забт этиб, тенгдошларини қойил қолдирди. У шундан сўнг 2008 йил март ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ўз кучини синаб кўрди. Мунтазам машқлар, астойдил қилинган меҳнат ўз самарасини берди, Эльвира бу мусобақада ҳам шарафли биринчиликни эгаллади. 2010 йил апрел ойида Россиянинг Янбург шаҳрида ўтказилган чемпионатда 45—55 кг вазнли қизлар (ёшлар) ўртасида биринчи ўринни эгаллаб, ота-онаси ва дўстлари, устозларининг ишончини оқлади.

Камгап, камсуқум Эльвира қўлга киритган зафарларидан мақтанишни ёқтирмайди. У суҳбатда шундай деди:

— Бундан кейин ҳам спорт билан мунтазам шуғулланиб, Ватаним шаънини ҳимоя қилишда бор имкониятларимни сафарбар этишга ҳаракат қиламан.



кўплаб ёш, иқтидорли спортчи йигит-қизларимизнинг кашф этилишида намоён бўлмоқда. Чунки спорт ўйинлари том маънодаги баркамол авлодни шакллантирувчи муҳим омиллардан бўлиб, ёшларнинг ҳам маънавий,

минг нафардан зиёд талаба йигит-қизлар узлуксиз равишда соғломлаштириш ва спорт мусобақаларида фаол қатнашмоқда. «Талаба» клубида спортнинг етти тури бўйича ўн иккита тўғарак ишлаб турибди.



Андижондан олтин, кумуш, бронза медаллари совриндори бўлиб қайтиш иштиёқига бўлган спортчи-талаба ёшларимиз умидларига етишишларида омадлар тилаш баробарида баркамоллик синови — «Универсиада - 2010» мусобақалари қатнашчиларига янгидан-янги зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

БЎШ КЕЛМАЙМИЗ!

Институтимиз талабалар сони жиҳатидан мўъжазгина бўлишига қарамай, ёшларимизнинг 1 нафари халқаро тоифадаги спорт устаси, 4 нафари Ўзбекистон спорт устаси ва 14 нафари спорт усталигига номзоддир. Уларнинг ютуқларини кўрган бошқа талаба ёшлар ҳам тенгдошлари изидан бориш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг натижасида айни кунларда уларга эргашган 280 нафар талабамиз «Алпомиш ва Барчиной» тест-синовлари талабларини бажариб, унинг нишондорлари бўлишди.

«Талаба» спорт клубида режа асосида барча турлар бўйича мунтазам мусобақалар ўтказилиб борилади. Бундан ташқари, миллий байрамлар ва анъаналар муносабати билан футбол,

волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат-шашка бўйича тез-тез мусобақалар уюштирилади. Х.Мирзабоев, Р.Анваржонов, Х.Мирзаев каби мураббийларимиз етакчилик қилган жамоалар эришаётган ютуқлар таҳсинга сазовордир.

«Универсиада-2000» мусобақалари илк бор Наманганда ўтказилиши муҳим аҳамият касб этди. Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида бир қатор спорт иншоотлари барпо этилиб, кўплаб ёшлар спортнинг ҳар хил турлари бўйича шуғулланиш имкониятларига эга бўлди.



Баҳсларда волейбол (йигитлар), қўл тўпи (қизлар) ва шахмат бўйича юқори кўрсаткичларга эришдик. Бухородаги беллашувларда қўл тўпи (қизлар), катта теннис, баскетбол (қизлар), дзюдо, футбол бўйича талабаларимиз совринли ўринларга даъвогарлик қилишди. Самарқанддаги курашларда эса, мини футбол, волейбол, қўл тўпи (қизлар) жамоалари фахрли ўринларга эга бўлишди. Қўл тўпи (қизлар) жамоаси ташкилий кўмитанинг махсус соврини билан тақдирланди. Тошкент шаҳридаги синовларда волейболчи қизлар жамоаси 3-ўринни эгаллади.

Андижонда бўладиган спорт мусобақаларига тайёргарликни кучайтирилган режа-тартиб асосида олиб бордик. Асосий кўзлаган мақсадимиз беллашувларда фақат юқори натижаларга эришишдир. Мураббийлар ҳам, шогирдлар ҳам сира бўш келмайди.

Қодиржон СОТВОЛДИЕВ,
Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтининг жисмоний тарбия ва спорт кафедраси мудири

Мен 1989 йили Наманган шаҳрида туғилганман. 2003 йилдан бошлаб баскетбол билан шуғулланаман. Болагимданоқ мактаб ўқувчиларининг мамлакатимизда ўтказилган маҳаллий ва халқаро турнирларида мунтазам иштирок этиб келаман.

киритишга муяссар бўлдим. Назаримда, бундай ютуқларга эришишимга баскетбол билан болалигимдан шуғулланиб кела-




МАСЪУЛИЯТ

2004 йили Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда кумуш медаль, шу йили Бухоро шаҳрида ўтказилган 1989—1990 йилда туғилган ёшлар ўртасидаги мамлакат биринчилигида кумуш медал соҳиби бўлдим. 2007 ва 2008 йилларда баскетбол бўйича ўтказилган мамлакат биринчилигида биринчи лигасида ғолибликни қўлга

ётганим сабаб бўлса керак. Чунки 2006 йили Қарши шаҳрида ўтказилган мамлакатимиз мактаб ўқувчиларининг анъанавий «Умид ниҳоллари» мусобақасида иштирок этганман.

Олий таълим муассасалари талабаларининг бу йилги «Универсиада-2010» спорт мусобақаларида иштирок этиш мен учун шараф бўлиши баробарида катта масъулият ҳам юклайди.

Дамир ШАЕХОВ





Ота-боболаримиз азал-азалдан спортнинг бир қанча турлари билан шуғулланишган. Масалан, кураш, камондан ўқотиш, отпойгаси, қиличбозлик

санъати намойиши каби беллашувлар ҳаттоки қўшни давлатлар полвонлари ўртасида ҳам ўтказилган. Ҳар гал мусобақаларда ўзига хос омадларга, муваффақиятларга ва албатта, юксак галабаларга эришилган. Ана шундай тарихий анъаналарга содиқ қолган ҳолда, Юртбошимиз ташаббуси билан бир неча йиллардан буён ўтказилиб келинаётган «Универсиада» спорт ўйинлари университетимиз жамоаси учун ҳам анча муваффақиятли кечмоқда. Жумладан, «Универсиада-2000» мусобақасида жамоамиз аъзолари умумжамоа ҳисобида фахрли 3-ўринни қўлга киритган эдилар.

Шундан буён ўтган даврда бизнинг терма жамоамиз вакиллари 43та олтин, 31та кумуш, 37та бронза медаллари ва 3та «Тико», 3та «Дамас» автомашиналари соҳиби бўлишган.

«Универсиада-2010» спорт мусобақаларига ҳам талабаларимиз жиддий тайёргарлик кўришди. Бу борада олий таълим муассасида барча шароитлар яратилган. Бунга ҳамоҳанг талаба-спортчиларимиз турли спорт йўналишлари бўйича вилоят, республика, Осиё, жаҳон чемпионатларида фаол иштирок этиб келишмоқда.

Ҳар йилгидек университетда спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида курслар, факультетлар, ўқитувчи-профессорлар ҳамда хотин-қизлар ўртасида тез-тез беллашувлар уюштирилади. Ушбу галдаги яқунланаётган ўқув йилида ҳам ўтказилган талаба-қизлар спорт ҳафталигида қизларимиз спортнинг шахмат, шашка, баскетбол, волейбол, стол тенниси бўйича мусобақаларда иштирок этдилар. Энг асосийси, ҳар бир мусобақа белгиланган режа асосида ташкил этилган бўлиб, унинг даврийлигини, анъана тусига киришини таъминлашга катта эътибор қаратамиз. Бу борада фаолият олиб бораётган жисмоний маданият факультети ишини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Талабалар-

МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛАДАЙМИЗ

ни оммавий спортга жалб қилиш, турли спорт тўғараклари ташкил этиб, бўш вақтни мазмунли ўтказишни таъминлаш ва энг муҳими, улар орасидан иқтидорли спортчи талабаларни танлаб олиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Тажрибали ва иқтидорли мураббийлар 18та спорт тўғрагида машғулотлар олиб боришаётир.

Ўтган ўқув йилларида талабаларимиздан Ўткир Курбонов, Анастасия Котлорова, Руслан Носиров, Гулмира Исмамова, Саломат Кўчимова, Артур Қодирқулов, Илмия Абдураззоқова, Фирдавс Холмуродов, Комил Бўстонов, Яқуб Ҳамзаев, Ботир Муродов турли республика, Осиё чемпионатларида фаол иштирок этишди. Жисмоний маданият факультетининг бир қатор талабалари халқаро олимпиадалар чемпиони бўлгани



ҳам бизларни жуда қувонтиради ва қалбларимизни фахр ва ифтихор туйғуларига тўлдирди.

Дарҳақиқат, «Универсиада» — улкан спорт байрами.


Мамлакатимизнинг сўлим гўшаларидан бири бўлган Андижон шаҳрида ўтказиладиган талаба-ёшлар беллашувларини томоша қилиш ва бевосита унда иштирок этишнинг ўзгача завқи бор.

Самарқанд давлат университети ёш спортчиларидан умидимиз катта: улар ўзларининг бор куч ва ғайрат шижоатини ишга солишиб, голиблик шоҳсупасидан муносиб ўрин эгаллашларини исбат қолардик.

Темур ШИРИНОВ,
Самарқанд давлат университети ректори,
Ўзбекистон Республикаси
Фан арбоби



Мамлакатимиз иштирокчилари эришгандан буён спортга эътибор жуда кучаймоқда. Айниқса биз каби ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Мен ҳам Самарқанд шаҳридаги 43-сонли умумтаълим мактабининг 7-синфида ўқийётган кезларимдан оқ спорт билан шуғуллана бошлаганман. 2002 йилда Чехиядаги Жаҳон чемпионатида ёзги биатлон спорт тури бўйича иштирок этиб, Жаҳон чемпиони бўлдим. 2003 йилда Ўзбекистон чемпиони сертификати билан Самарқанд давлат университетида имтиёзли қабул қилинганман. Тошкентда ўтказилган «Универсиада-2007» ўйинларида 5000 метрли масофага югуриб, 1-ўрин яъни олтин медаль, 1500 метрли масофа бўйича 2-ўринни эгаллаб кумуш медаль соҳиби бўлганман. Ёзги биатлон спорт тури бўйича икки карра Жаҳон чемпиони, бир неча карра 5000 метрга югуриш бўйича Ўзбекистон чемпиони у-



ВАТАНИМ ШУҲРАТИН ОЛАМГА ЁЙСАМ...

вонларини олишга эришдим. Яқинда Бухоро шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон шаҳарлараро кубогида ҳам 1-ўринни забт этиб, олтин медални қўлга киритдим.

Бундай муваффақиятларга эришишимда албатта, устоз мураббийларимдан Декларян Валентина Ивановна, Исламов Рустам Ришатович, Мамедов Азиз Сейитмуровичларни ҳиссалари каттадир. Айни пайтда мен ҳам устозларим изидан бориб, СамДУ жисмоний маданият факультетининг 2-курс магистратурасида таҳсил олаёяпман. Айна пайтда Самарқанд Олимпия заҳиралари тайёрлаш марказида ёзги биатлон спорт тури бўйича болаларга мураббийлик ҳам қилаёяпман.

Кундан-кунга ўз устимда ишлаб, маҳоратим ошишида «Ватанпарвар» ташкилоти, Олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежи ва албатта, Самарқанд давлат университети маъмуриятининг хизматлари беқиёсдир.

Айни чоғда Жаҳон кубоги, Осиё чемпионати, Европа очик чемпионатида астойдил тайёргарлик кўряпман. Орзуим, барча спортчилар сингари голиблик шоҳсупасидан муносиб ўрин эгаллаб, юртимиз шухратини оламга ёйиш.

Руслан НОСИРОВ,
СамДУ жисмоний маданият факультети
2-курс магистранти



«УНИВЕРСИАДА»НИНГ НУФУЗИ ОРТИБ БОРАЁТИР

«Универсиада»нинг нуфузи, унга бўлган эътибор йил сайин ортиб бормоқда. Бунини вилоятимиз мисолида кўрадиган бўлсак, аввало биринчи босқич доирасида олий таълим муассасаларининг факультетлари ўртасида беллашувлар бўлиб ўтди. Шундан сўнг белгиланган спорт турларидан шакллантирилган институт ва университетлар жамоалари ўз имкониятларини синовдан ўтказишди.

Айнан ушбу мусобақалар давомида вилоятимиз терма жамоасига номзодлар саралаб олинди.

Тайёргарлик кўриш учун вилоят ҳокимлиги томонидан ташкилий ва амалий ёрдам кўрсатилди. Бу борада махсус

ишчи гуруҳ тузилиб, талаба-спортчиларга зарур шарт-шароитлар яратиш ва тайёргарликнинг белгиланган меъёрга олиб борилиши ҳамда мусобақанинг финал босқичида иштирок этиш учун тегишли чоралар кўрилди. Жамоамиз аъзолари ўтган давр мобайнида ташкил этилган мусобақаларда ҳам ўз имкониятларини синовдан ўтказишди. Бу албатта, уларнинг юқори спорт формасига эга бўлиши ва ўзига бўлган ишончнинг ортishiга хизмат қилади. Айнан шунинг самараси ўлароқ бир қатор талабаларимиз XXX Олимпия ўйинларида иштирок этадиган юртимиз терма жамоасига номзод сифатида рўйхатга олинган.

Шундай салоҳият билан жамоамиз Андижонда бўладиган талабалар беллашувларида албатта, ўз маҳоратларини намойиш этиб, кўзланган мақсадларига эришади.

Жўрақул ЭШНАЗАРОВ,
СамДУ жисмоний маданият факультети
декани, профессор





МЕЗБОНЛИК ШАРАФИ ВА ГОЛИБЛИК ИШТИЁҚИ УЙҒУНЛАШСА



Спортдами ёки бошқа бир соҳада, ҳар бир ёш ўз ютуғи билан ота-онасини, устозларини ҳамда маҳалладошларини хурсанд этишни хоҳлайди. Бу истак эса уларнинг ўз олдига аниқ мақсадларни қўйиб ҳаракат қилиш, ўқиб-изланиш, бир сўз билан айтганда, баркамол бўлиб вояга етишга ундайди. Бунда эгалланган билим ва ҳунар, жисмоний баркамоллик унга қанот бўлади.

Бугун гўзал Андижонимизда ана шундай бахтли авлоднинг катта тантанаси. Негаки, Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Универсиада» мамла-

катимиз ёшларининг дўстлигини, бирдамлигини ҳамда шу юрт равнақи йўлидаги азму шижоатини бор буй-басти билан намоеън этадиган улкан майдонга айланди.

Бизнинг Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти жамоаси ҳам ушбу спорт мусобақаларига жуда катта тарадуд кўрди. Алоҳида тайёргарликнинг сабаби эса ҳам мезбонлик шарафи, ҳам галаба иштиёқи, десак янглишмаймиз. «Универсиада-2010» спорт мусобақасининг финал босқичида институтимиз талабалари спортнинг футбол, кураш, теннис, сузиш турлари бўйича қатнашмоқда. Жамоанинг муваффақиятли иштирок этиши учун барча шарт-шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Уларга тажри-

бали мураббийлар бириктирилиб, машғулотлар қатъий режа асосида олиб борилди.

2000 йили Наманганда, 2002 йили Бухорода, 2004 йили Самарқандда ўтказилган финал мусобақаларида айнан шундай тайёргарлик кўрган талабаларимиз умумжамоа ва шахсий биринчиликларда жами 4 та кумуш ва 24 та бронза медалларини қўлга киритиб қайтишган эди. Қолаверса, институтимизда кураш бўйича Достонбек Арзиев, теннисчилардан ака-ука Исоқовлар, Марина Емельянова, сузиш спорт туридан Феруза Мадраҳимова, Шоҳрух Юнусов, Ҳабиб Амилов сингари маҳоратли спортчи-ёшларимизга биз ишонамиз.

Албатта, зиммамиздаги мезбонлик масъулиятини ҳам унутмаган ҳолда ушбу спорт байрамини юқори савияда, ўзбекона меҳмондўстлик ва ўз навбатида ютуқларимиз ва медалларимиз сонини оширишга қатъий бел боғлаган ҳолда ўтказишга ҳаракат қиламиз. Андижонимизга ташриф буюрган барча меҳмонларга, талаба-спортчиларга омад ёр бўлсин!

Т.КАРИМОВ,
Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти маънавият ва маърифат ишлари бўйича 1-проректори

ЎЗ ҲИССАМНИ ҚЎШАМАН

Теннис билан 8 ёшимдан шуғулланаман. Уйимиз олдида вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, унинг киши ҳавасини келтирадиган теннис кортида тез-тез бўлиб турадиган мусобақалар бунга сабаб бўлган бўлса ажаб эмас. Мактабдан бўш вақтларимда теннис машғулотларида қатнашдим. Бу ўқиш ва ўрганишимга ҳеч қандай тўсқинлик қилмасди, аксинча муваффақият сари интилиш, чидам, матонат, тиришқоқлик каби хислатларни шакллантиришга хизмат қиларди. Меҳнатларим натижаси ўлароқ, 2008 йили Нукус шаҳрида ўтказилган «Баркамол авлод» ўйинларида, Тошкент, Наманган шаҳрида бўлиб ўтган очик турнирларда, 2009 йили Ўзбекистон кубоги мусобақаларида қатнашиб, фахрли ўринларни



қўлга киритдим. Бу йил эса институт теннис терма жамоаси таркибида «Универсиада-2010» республика финал мусобақасида голиб бўлиш энг катта орзуларимдан бири. Ушбу орзуимга етишиш учун кўлимдан келганча ҳаракат қиламан.

11-18 март кунлари шаҳримизда ўтказилган ўқув-йиғин машғулотларида, 24-30 апрель кунлари Наманган шаҳрида ўтка-

зилган «Фьючерс» халқаро турнирида қатнашиб, маҳоратимни янада оширишга интилдим.

Терма жамоамиз таркибида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ўйинларида иштирок этган акам Аброр Исоқов ва опам Наргиза Раҳмонова, «Универсиада-2004», «Универсиада-2007» республика спорт мусобақаларида тобланиб, бронза медаллар соҳибаси бўлган, институтимизнинг магистратура босқичида таҳсил олаётган Марина Емельянова билан бирга тайёргарлик кўрмоқдамиз.


Андижон вилояти теннис жамоаси ўтган «Универсиада» мусобақаларида мунтазам совринли ўринларга даъвогарлик қилиб келганлиги барчамизга ўзига хос масъулият юклайди. Мен ҳам жамоамизнинг ана шундай муваффақиятларига ўз ҳиссамни қўшишни жуда жуда орзу қиламан.

АКМАЛ ИСОҚОВ,
теннис бўйича вилоят терма жамоаси аъзоси,
1-курс талабаси

УСТОЗДАН ИБРАТ ОЛИБ

Ёшлигимдан бокс ва кураш билан шуғулланишга қизиқардим. 13 ёшимдан Андижон олимпия захиралари спорт коллежининг кураш бўлимига ўқишга кирдим. Ушбу коллежда таҳсил олиб юрган кезларимда кураш бўйича ўтказилган бир қатор мусобақаларда қатнашиб, ўз маҳоратимни ошириб бордим. 2006 йили Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида иштирок этган бўлсам, у ерда тўплаган тажрибам, балки ўз вақтида чиқарган хулосам Самарқанд шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида кумуш медал соҳиб бўлишимга туртки бўлди. 2008 йили ушбу ўқув даргоҳини битириб, «Халқаро кураш» бўйича спорт усталигига номзод бўлдим.

Мана, бир неча йиллардан бери устоз-мураббий,



спорт устаси Собиржон Пардаевдан курашнинг янги усул ва сирларини ўрганмоқдаман. Устозим менга ҳар жиҳатдан ибрат — бир қатор мусобақалар голиби, жумладан, 2006 йили Термиз шаҳрида фохрий курашчилар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда мутлақ голибликни қўлга киритиб, жаҳон чемпиони бўлган.

2009 йил мен учун қувончли келди. Чунки мен Андижон муҳандислик иқти-

содиёт институти талабаси бўлдим. Бу ерда ҳам ёшлар учун севган машғулотларини давом эттиришга тўлиқ имкониятлар бор экан.

«Универсиада-2010» спорт мусобақалари финал босқичига зўр тайёргарлик билан келдик. Февраль-март ойларида Самарқанд Чирчиқ шаҳарларида ўқув-йиғин машғулоти, ўртоқлик учрашувлари ўтказдик. Бу тадбирлар жамоамизнинг юқори савияда — ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр бўлишида катта рол ўйнади.

«Универсиада», бу — спорт. Унда олдиндан бирор натижани аниқ башорат қилиш қийин. Негаки, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларида рекордлар йилдан-йилга янгилади, янги номлар кашф этилмоқда. Албатта, беллашувда ҳамма голиб бўлмайди. Шунга қарамастан, барча тенгдошларимда галабага бўлган иштиёқ, умид ҳеч қачон сўнмаслигини истардим.

Достонбек АРЗИЕВ,
талаба

Ушбу эътироф кейинги пайтда кўпгина таниқли мураббий ва спортчилар томонидан бот-бот такрорланаётгани бежиз эмас. Ўзига хос истеъдоду иқтидорларга бой юртимиз фарзандлари орасидан ҳар йили ўнлаб, балки юзлаб моҳир чарм тўп усталари, ақл гимнастикасида унча-мунча чемпионни довлдиратиб қўядиган шахматчилар, югуришда, сузишда тенги йўқ абжир йигит-қизлар камол топмоқда. Бунда мамлакатимизда болалар спортга қаратилаётган юксак эътиборнинг аҳамияти катта. Шу боис шогирди галаба қозонишни истаган ҳар қандай оқил мураббий уларни ана шун-

МУРАББИЙ ЭЪТИРОФИ: УНИВЕРСИАДАДА МАҒЛУБ ЖАМОА БЎЛМАЙДИ

дай юқори кўрсаткичларга руҳан тайёрлаб боради. Ўз навбатида мураббийлик иш услубини ҳам такомиллаштириб боришни унутмайди.

Футбол бўйича ўтадиган турли спорт мусобақалари, мамлакат биринчиликларида андижонлик ёшларнинг муваффақиятли иштироки, кўплаб жамоаларга «муаммо туғдираётганлиги»га сабаб — у ерда Қаҳҳор Носировек ўз касбининг устаси бўлган тажрибали мураб-

бийларнинг борлигидан. Институт футбол терма жамоаси бош мураббийи, ушбу спорт тури бўйича 1-тоифали мураббий Қ.Носиров бугун бор диққат-эътиборини «Универсиада» мусобақаларига қаратган. Ўзбекистон миллий чемпионатининг олий лигасида, жумладан, «Бунёдкор» жамоасида Мансурбек Мақсудов, «Олмалик» жамоасида Жаҳонгир Қурбонов, Ғайрат Мирзаев, шунингдек, «Андижон» жамо-

асида яна 7 нафар шогирди тўп сураётган тажрибали мураббий бўлса-да, Қ.Носиров ушбу талабалар беллашувда голибликни қўлга киритмоқ осон бўлмаслигини ёшларга таъкидлаб келаётган.

— «Универсиада-2010» Республика финал босқичи мусо-




бақаларида иштирок этадиган футбол жамоамиз таркибидаги талабаларнинг 7 нафари «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида тобланиб чиққан ёшлардир. Бу ҳар қандай жамоанинг катта ютуғи аслида.

Футбол миллионлар ўйини. «Универсиада»да эса мағлуб жамоа бўлмайди. Аммо жамоамизнинг орзуси мазкур мусобақада муваффақиятли қатнашиб, голиб бўлишдир. Бунинг учун эса бизда етарли куч, имконият ва салоҳият бор. Кучлилар ичра кучли бўлишимизга ишонамиз,— дейди мураббий.

Бахтиёр ЁҚУБОВ,
«Ma'rifat» мухбири



TUS BUERO®



Европа сифати
мужассам
бўлган жихозлар.

TUS buero
билан ҳамкорлигингиз
офисингизга кўркамлик
бахш этади.
Буюртмалар талабингиз
даражасида
бажарилади.

Сифатсиз маҳсулотни
ҳар йили олгандан кўра, узоқ йиллар ўз кўрки ва
салобатини йўқотмайдиган жихозлар Сизга маъкул тушади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шарофобод, 2.
Телефон 235-70-93. Факс 120-69-95. E-mail: tusbuero@mail.ru



*“Универсиада-2010”
қатнашчилари ва
меҳмонларини чин
дилдан муборакбод
этади ҳамда уларни
халқимизнинг асрлардан
буён асраб-авайлаб
келинаётган инсонпарварлик
руҳида жипслашишга чорлайди.
Бир мақсад йўлида ёшларни
бирлаштирувчи мазкур
мусобақа иштирокчиларига
омад ёр бўлсин!*

**ХАЛҚАРО ҚИЗИЛ ХОЧ ҚЎМИТАСИНING
МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МИНТАҚАВИЙ
ВАКОЛАТХОНАСИ**



ЖАННАТДАН БИР ЧИМДИМ ДИЁР

Мустақиллик йилларида Андижон мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, миллий тараққиётимизда ўзига хос ва ўзига мос ўрин тутадиган вилоятга айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Андижон аҳли қандай муваффақият ва ютуқларга эришган бўлса, уларни шу элга мансуб бўлган мардлик, изланиш ва тadbиркорлик фазилатлари билан қўлга киритаяётганини, бу юксак марралар фидокорона меҳнатнинг ҳақиқий белгиси ва самараси эканини ҳеч ким ҳеч қачон инкор этолмайди.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон гўзал бир диёр, сўлим Фарғона водийси эса унинг гурдонасидир. Зеро, жаннатмакон водий Ўзбекистоннинггина эмас, Марказий Осиёнинг қишлоқ хўжалиги, саноати, маданияти ва адабиёти, санъати ривожланган, юят бой шароитга эга бўлган марказларидан биридир. Дарҳақиқат, неча асрлар давомига Андижон Фарғона водийсининг шарқий дарвозаси сифатида бутун оламга маълум ва машҳурдир.

Бугун Андижон вилояти аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Андижон заминига, ана шу оми-

ларнинг барчаси инobatга олинган ҳолда, навқирон авлод вакиллари билан олиши, касб-ҳунар ўрганиши, илм-фан, санъат ва спорт соҳаларида ўз истеъдодини намойиш этиши ва рўёбга чиқариши учун мустақкам замин яратилди.

Ёшларнинг маънавий-жисмоний камолотида муҳим ўрин тутадиган таълим соҳасини оладиган бўлсак, вилоятда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида 11та янги мактаб қурилди, 648та мактаб эса тубдан реконструкция қилинди


ва капитал таъмирланди, замонавий талаблар асосига жиҳозланди.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастури асосига вилоятда бунёд этилган 7та академик лицей, 76та касб-ҳунар коллежидан 77,1 минг талаба таҳсил олмақда, уларга 4894 нафар малакали педагог таълим бермоқда.

Ҳозирги пайтда вилоятда Андижон давлат университети, муҳандислик-иқтисодиёт институти, давлат чет тиллар педагогика институти, тиббиёт ҳамда қишлоқ хўжалиги институтлари каби 5та олий ўқув юрти мавжуд бўлиб, уларда 19 мингдан зиёд талабага бир ярим мингдан ортиқ профессор-ўқитувчи дарс бермоқда.

Вилоятда 30та стадион, 577та спорт зали, 42та сузиш ҳавзаси, 90та теннис корти, 4660та спорт майдони мавжуд.

Хуллас, андижонлик ёшлар эртанги кунга катта умид ва ишонч билан қараб, астойдил меҳнат қилиб, изланиш ва ташаббус билан яшамоқда. Албатта, бу умид, бу ишонч туйғулари бирлашиб, қудратли куч бўлиб, бугунги Андижонни янада обод ва гуллаган диёрга айлантиришига муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиздир.



Ma'rifat

ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта maxsus та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон Та'лим
ва fan xodimlari kasaba
uyushmasi Markaziy
Kengashi.

Бosh муharrir: Abdusamat RAHIMOV

Тaҳрир ҳay'ати: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh муharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh муharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh муharrir o'rinbosari ("Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib ("Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Газета Ўзбекистон Matbuot
va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ИНДЕКС: 149, 150.
Hajmi 3 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchilar:
Qurbonboy MATQURBONOV,
Zohidjon XOLOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan
materiallar muallifga qaytarilmaydi.
Ⓜ belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.
E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,
oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi —
236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti
yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro
hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va
marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda
Sahifalovchi:
M.TOSHOVA.
Dizayn ustalari:
B.JONTEMIROV, MAHLIDINOV.
Sahifalarda B.RIZOQULOV,
V.GRANKIN va O'za olgan
suratlardan foydalanildi

«KO'HI NUR» MChJ
bosmaxonasida chop etildi.
Buyurtma № 130.
Korxonaning manzili: Toshkent
shahri, «Mashinasozlar»
mavzesi, 4-uy.

Bosishga topshirish vaqti — 10.00.
Topshirildi — 10.00.